ХАЙДАР
ЯҲЁЕВ

НИДО

Ўзбекистон Халқ Академияси

«НУР»

Тошкент — 1991

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУҲАРРИР

АСРОР САМАД

Ҳайдар Яҳёев — кекса ғазалхон. Унинг ғазаллари кўп йиллардан бери ҳофизлар созида ва овозида янграйди, қўшиқ шинавандаларига кўтаринки кайфият, руҳ, завқ бағишлайди.

Шоирнинг ўзи айтмоқчи:

Менга тақдир ҳаёт бирлан қаламни ҳам буюрмишдир,
Гоҳида илҳом аталмиш чаманни ҳам буюрмишдир.

Модомики тақдир унга қалам ва илҳомни ато этган экан, демак шоирга ҳаётдан лутфу карам ҳам буюришини, шеъриятда парвоз этишини тилаймиз.

Ушбу тўпланга шоирнинг кўп йиллар мобайнида ёзиб келаётган ғазаллари, қасидалари, рубоийлари жам этилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОНАЖОН, КАЪБАМ ЎЗИНГ...

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОНАЖОН

Онажон, номинг дилимда жисм аро танҳо ўша,
Шафқатинг битмас хазина, менга минг тилло ўша,
Ҳар нафас меҳринг булоғи тошса бир дарё ўша,
Кўз очиб кўрдим юзингни менга бир дунё ўша,
Онажон, каъбам ўзинг, сенсиз жаҳонни на қилай,
Танда меҳринг ёнмаса беҳуда жонни на қилай!

Тарк этиб орому сабринг, менга бахт бердинг мудом,
Ҳам жигарпорам дея чекдинг аламлар субҳу шом,
Тоза қалбинг бўлди қанча-қанча қайғуларга жом,
Сендан ўргандим буюк имло била ширин калом,
Онажон, каъбам ўзинг, сенсиз жаҳонни на қилай,
Этмаса номингни ёд ўткир забонни на қилай!

Меҳрибон, мушфиқ, мураббий, бунча беозорсан,
Муҳтарам, мунис, азизим, шодлигимга ёрсан.
Хаста бўлсам, жонга дармон, ҳар саҳар бедорсан,
Гар йироқ кетсам, туну кун изларимга зорсан,
Онажон, Яҳё деди: сенсиз жаҳонни на қилай,
Бўлмасанг бошимда сен, бу ошённи на қилай!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВОЛИДАМГА

Волидам, боргайман мен боз сен ғарибнинг ёнингга,
Бир боқиб, сўнг майли ўлсам дийдайи гирёнингга.

Ушбу қисматнинг азобин сўнгги ҳеч бўлгаймикин,
Боз қадам қўйгаймикинман мўътабар ошёнингга.

Сен дуо қил ушбу ғофилни, улуғ ёшинг ҳақи,
Ноиложман жон қўшай, десам касалванд жонингга.

Маст бўлиб даврўғаро мен неча йил ғофил эдим,
Қам борардим менки хатто қошингга — меҳмонингга.

Йиғлаган эрдинг мени қўмсаб неча ҳасрат аро,
Қўшмадим имконни мен камёб сенинг имконингга.

Гоҳи хизмат ташвиши, гоҳи амал касри неча
Қўшди заҳрин осий ўғлингдан, онам, дил қонингга.

Равшан этсин энди тақдир банди Яҳё йўлларин,
Бир боқиб сўнг майли ўлсам дийдайи гирёнингга.

15/X—1985 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНА ОНАМГА

Онажон, ёлғизгинам, дийдор кўришга зорман,
Ногаҳоний бандга тушдим, хастаю беморман.

Бу менга қасддан қилинган кўп рақибнинг фитнаси,
Нимқоронғи хона ичра тун ва кун бедорман.

На иложким, бу қафасдан чиққали ҳеч чора йўқ,
Ҳам жаҳонда борлигимдан гоҳида безорман.

Рад этиб не фитналарни, кўп ғанимларни билиб,
Бу азобда гоҳи масту, гоҳида ҳушёрман.

Маст бўларга бода йўқдир дилдаги қондан бўлак,
Банди занжир ичра маҳкум шер каби ночорман.

Ушбу ҳолатдан хаёл тарк айлаган онларда мен
Қилмаган қилмишга гоҳ мажбур бўлиб иқрорман.

Сабр ила кутмоқдаман ҳақ фурсатин келмоғини,
Лек ҳануз бу банд ичида айбсиз айбдорман.

10. I, 86 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОНАИ ЗОРИМГА

Эй жаҳонда ғамгузорим, мунисим, мунглиқ онам,
Мен учун озурдасиз ҳам, қалбингиз ўртар алам.

Мен билурман бир нафас йўқдир ҳаловат сиз учун,
Хаста жонингизда гулхан, кўзларингиз гарчи нам.

Қонли ёши тинмаган икки кўзингиз мунтазир,
Термулиб ҳардам эшикка гарчи шарпа ўтса ҳам.

Сиз учун гўдак эрурман, эрка ўғлонман ҳамон,
Коинотдай меҳрингизла айтсангиз «жоним болам!»

Мен туфайли не машаққат чекмадингиз то ҳануз,
То ҳануз чекмоқдадирсиз бир жаҳон ранжу алам.

Меҳрингизнинг қатрасин ёзмоққа умрим етмагай,
Етмагай сўз оламию, бунга ожиздир қалам.

8. IV. 87 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сири ишқимни ким билур
ёлғиз нигоримдан бўлак

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОРА-БОРА

Излаб гул оразингни арз айладим баҳора,
Кўрсам дея юзингни раъно гулида зора.

Васлинг хумори бўлдим, васлингга умид боғлаб,
Хажрингда ёнди лола ҳам бағри пора-пора,

Муштоқ бўлганимда ўтли қарашларингга
Кўрсатди кўз қарошинг кўк саҳнида ситора.

Тунларга қиёс этдим, кокилларингни дилбар,
Тунлар ёришди, аммо сочлар қораю қора.

Дийдор кўришганимда ишқим баён этолмай,
Термулганимча қолдим сен ёри зулхумора.

Мужгон тиғини от деб, ёлворганимда айтдинг,
Бўлмайди, жисму зоринг ўртайди бора-бора.

Орому иҳтиёрим олдинг, санам, шу онда,
Ишқингда ёнди Яҳё, йўқ унда бошқа чора.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАРОНА БЎЛСА

Ўтда ёнарки ҳар жон севги баҳона бўлса,
Қалбига ўт ёқувчи ёри ягона бўлса.

Ўзга ҳавас, муҳаббат, кўнглига кор этмай,
Ёрга хиёнат этмоқ унга бегона бўлса.

Аҳду қарори бардам, ёрини кутса ҳар дам,
Сўзлари куй мисоли донаю дона бўлса.

Меҳнати бир-ла завқи севгисига муносиб,
Ҳар дамида хаёли ёрга равона бўлса.

Икки кўнгилга ҳислар чашмаси берса илҳом,
Ёзгил ғазални, Яҳё, ёрга нишона бўлса.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЎЛМАСА

Хотирим зору паришондир гуландом бўлмаса,
Йўқ дилоромимки, жоним бирла ором бўлмаса.

Ғайрлар ҳайрона қолгай боисин билмай неча,
Ер меҳри бир дақиқа менга инъом бўлмаса.

Назмаро пинҳон эса туйғуларим айб этмангиз,
Не қилай бу тор кўнгил ҳислар учун жом бўлмаса.

У гуландом бирла тунлар бағрида бўлсак ниҳон,
Биз кутиб тонгларни, дермизки, қаро шом бўлмаса.

Гар ғазалнинг бандига оҳанги мужда бўлмагай,
Дерки Яҳё ёр лутфи унга инъом бўлмаса.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФИРОҚИМДА

Санамнинг сочидан анбар ҳиди қолгач думоғимда,
Саҳарлар нолакор дилдан садо қолгай қулоғимда.

Саҳарда ғунча лаб очдиму деб, ҳайратда лол қолсам
Санам ўтли дудоғин тафтини сездим яноғимда.

Висол они, ажабдурким, жаҳондай бахтга ёр ўлдим,
Нигорим бирла тонг авроқида ҳамхона чоғимда.

Дедим: ёримга қай ондин дилингда ишқ ўти ёнди,
Бу ўт ёнди-ю, сўнмас, дер, санам ўтли фироқимда.

Агарчи жону тан бирдир, муҳаббат жон аро пинҳон,
Бу гавҳар нуридийдам мисли қолгай кўз қароғимда.

Жавоби борлигини шодумон этганда Яҳё дер,
Гўзал қолгай ҳамиша нур бўлиб ҳижрону доғимда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗЕБОЛИК АЙЛАР

Ҳар санам меҳрин қўйиб зеболик айлар ёрига,
Ҳамдами жони бўлиб, шайдолик айлар ёрига.

Бу муҳаббатдан нишонким тарқалур овозаси,
Гоҳи ноз бирлан боқиб танҳолик айлар ёрига.

Ҳам назокатдан яралган беқиёс туйғуларин
Сақлабон пинҳон гаҳи донолик айлар ёрига.

Рашк ўтининг дудидан дунё қародир кўзига,
Тарқалиб дуди яна рўшнолик айлар ёрига.

Асрабон бегонадин ўз ёрини ҳар лаҳзада,
Гоҳ санамлик, гоҳи дўст, ошнолик айлар ёрига.

Жону дилдан ёзса Яҳё дилрабоси мадҳини,
Ул санам гул рамзи-ла барнолик айлар ёрига.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁР КЕЛГАНИДА

Кўнглимда меҳри оташ, ул ёр келганида,
Олам бўлур мунаввар, дилдор келганида.

Изҳори севги такрор, юз кўргали юрак
зор,
У ҳам менингла шодон, ҳар бор
келганида.

Гўёки кенг жаҳонни олгай ўзига кўнгил,
Ширинсуханла меҳри изҳор келганида.

Яҳё оловли тунлар қўйнида куй битаркан,
Таскин топурки дилбар ашъор келганида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎРМАГУНЧА

Васлига тўймагайман бедор кўрмагунча,
Офтоб юзини очмас дилдор кўрмагунча.

Олам мунаввар ўлмас ошиқ кўзига ҳар тун,
Дилбар жамолини ул бир бор кўрмагунча.

Бегона сабру ором то жилва бирла ёрим
Шайдолигимни такрор-такрор кўрмагунча.

Гул юзига нур бериб нозик табассум ўйнар,
Сўнмас жило экан бу аҳёр кўрмагунча.

Ёр нома ёзса гарчи кўнгил нидоси шунда,
Кўзлар тўярму унга минг бор кўрмагунча.

Яҳё дедики, дилбар қалб ичра бир ниҳонки,
У парда ичра пинҳон мен зор кўрмагунча.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎЙИДА

Мен йироқларда, хаёл қолган нигорим уйида.
Зар сочиб, зар кокилин ёйган Зарафшон бўйида.

Лаҳза-лаҳза кўзларим кўргай висолин аксини,
Ўртанур жисмим ҳамон ул сарвинозим кўйида.

Соғиниш шомида ҳижрон торини соз айласам,
Янграгай тонг чоғи у ошиғ кўнгилнинг куйида.

Ҳар баҳор янгидан очгай дилнавозим кўркини,
Зар сочиб зар кокилин ёйгай Зарафшон бўйида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАЁЗ ЎЗГА

Менинг чун бўлмагай сенсиз ажойиб сарвиноз ўзга,
Дилистонимни банд этган диловар, дилнавоз ўзга.

Ибо бирланки идрокинг чиройинг зийнати бўлса,
Ғазаллар авжи номингла наво этганда соз ўзга.

Менга меҳринг вафо бирлан садоқат бирла боғланса,
Жаҳон мулкида бўлмаским менингдек сарфароз ўзга.

Садоқат бирла меҳнат борасида сенки танҳойим,
Васл айёмида гулсан, таманно ўзга, ноз ўзга.

Бу куйда севги тавсифи агарчи қатра бўлганда,
Унинг мадҳин калом этсам бўларкан бир баёз ўзга.

Назм Яҳёга жон эрса, ғазалдир завқу илҳомим
Ғазаллар завқига борму унингдек ишқибоз ўзга.

15. 11. 1986 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВО АЖАБ

Васл уйида дилбарим қилди
таманно, во ажаб,
Ё менинг қошимда пайдо бўлди
Лайло, во ажаб.

Нозланиб боқди санам, бошим
силаб ноз ишвада,
У мени Юсуф дебон, бўлди
Зулайҳо, во ажаб.

Ғунчасини қўйди, лаблар узра
ёнди бир олов,
Бир умрга айлабон, куйига шайдо,
во ажаб.

Бир кулиб қўйдию, сўнг ҳолим
кўриб мафтун бўлиб,
Ўтда ёнган кўзларим қилди томошо,
во ажаб

Кўзларида ёнди меҳри, мавжи чун
оташ бўлиб,
Шул экан бахтим дея, лол
бўлди Яҳё, во ажаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИЛМАЙ

Кирмас эдим чаманга раънолигинги билмай,
Ишқингда ўртамас дил барнолигингни билмай.

Ойинаи жаҳонда кўрганда оразингни,
Мен лол қолган эрдим лайлолигингни билмай.

Хониш этиб садоқат мадҳин тараннум этдинг,
Жўр бўлди сенга булбул донолигингни билмай.

Елғиз ғазалим дўстинг, деб ўйладим ва лекин
Нозу назокат узра танҳолигингни билмай.

Лайло бўлиб жунунга солганда кўз қарошинг,
Ендим аламда кимга ошнолигингни билмай.

Сўнг кўзгудан жамолинг ўчди, санам, тамоман,
Хонишларингга Яҳё шайдолигини билмай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖОЗИБА

Мен санам шайдосиман,
ҳолим кўриб мажнун деманг.
Ишқи бирлан лоларанг
бўлган жигарни хун деманг.
Лола ранги бўлди гулхан,
жисми зорим ёндириб,
Сўнмагай бу машъалимни
сиз кўриб учқун деманг.
Ҳар дақиқам бахтиёрдир
ёр ила, дўстлар, мудом.
Бахтиёрлик соатим тинмас,
уни бир кун деманг.
Дилбарим ҳуснига муштоқ
бўлмоғим бўлмас адо,
Тўймагум ҳаргиз чиройин,
бир кўриб мамнун деманг.
Ёр табассум айласа
ою, қуёш ҳам маҳлиё.
Унда минг жозиба мавжудким,
фақат гулгун деманг.
Ҳар куни, Яҳё, ўзининг
ёри бирлан бахтиёр,
У фақат ўз ёрин айтур,
ўзгага мафтун деманг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕНСИЗ

Қўнгил наволарин соз этмайди тор сенсиз,
Соғинганимда қўлда йиғлар дутор сенсиз.

Боғларни кезганимда, доғингни чекканимда
Ҳам боғу ҳам чаманлар кўзларга тор сенсиз.

Васлинг алангаси-ла ҳар ёна мен кезурман,
Бошим олиб кетурга йўқ ихтиёр сенсиз.

Кўзлар юмулса ҳамки, бедор эрур вужудим,
Бир лаҳза тоқатим йўқ, мен беқарор сенсиз.

Ҳар лаҳза ёдим узра, дилбар, гўзал жамолинг,
Гар келмасанг бу кўзлар кўп интизор сенсиз.

Яҳё ғазал адосин номинг-ла битказолмас,
Келмас илҳом париси аслида, ёр, сенсиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕҲРИНГИЗ

Дилдорлик айлаб ҳар замон,
Лутфу карамда бегумон,
Бизга бағишлаб бир жаҳон,
Оташ эканми меҳрингиз,
Ё кўзда борми сеҳрингиз.

Ишқ оташи ғулхан бўлиб,
Ё лолазор — гулшан бўлиб,
Бир жону ҳам бир тан бўлиб,
Оташ эканми меҳрингиз,
Ё кўзда борми сеҳрингиз.

Шаҳло кўзингиздан зиё
Бахш айлабон меҳригиё,
Қўзларга бўлгач тўтиё
Оташ эканми меҳрингиз,
Ё кўзда борми сеҳрингиз.

Сиздан ажиб лутфу карам
Қўнгилга ором, эй санам,
Сиз бор учун йўқ дилда ғам,
Оташ эканми меҳрингиз,
Ё кўзда борми сеҳрингиз.

Бахтдир висол айёми ҳам,
Ҳар субҳу ёки шоми ҳам,
Яҳё дилин илҳоми ҳам,
Оташ эканми меҳрингиз,
Ё кўзда борми сеҳрингиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СИРИ ИШҚИМ

Сири ишқим ким билур ёлғиз нигоримдан бўлак,
Кўзларимга ким боқур кўзи хуморимдан бўлак.

Гар висол онида ёрим гул жамолин кўрмасам,
Тоқат айларму ҳаёт сабру қароримдан бўлак.

Ўзгалар боқса нигорим ҳуснига ёнгум яна,
Дилда бир дарё тошар, рашк бирла оримдан бўлак.

Гар маломат хотирим этса паришон баъзида,
Ким менга таскин берур гул юзли ёримдан бўлак.

Яхши билмак ишқ сирин яхши кўрмаклик деманг,
Ким билур ҳажрини тунлар ишқу зоримдан бўлак.

Юзда гоҳида табассум гарчи дил ошифтаҳол,
Ушбу савдо бошда борким ихтиёримдан бўлак.

Соғиниш байтини Яҳё сўз билан изҳор этур,
Унга сўз қўшмаски ҳеч ким интизоримдан бўлак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАРНО КЕРАК

Дил уйига хуш кирому, оташин сиймо керак,
Нозанин ёрим, гулим ул дилбарим барно керак.

Қўрмасин аҒёр дейман васлимиз бўстонини,
Ердин менга ишора, бир ширин иймо керак.

Хаста дил ишқ оташининг тафтидан топгай даво,
Ушбу оташдан менга ёр, нозу истиҒно керак.

Тоқатим йўқким, жудолик ишқ элига хос эмас,
Мен жунунлик айлаганда қошима Лайло керак.

БаҒритошлар олами ишқ офати бўлмоҒидин,
Ошиқ аҳлига дамо дам ўзга бир дунё керак.

Шод бўлгум дилбарим ҳар лаҳза ёдим айлабон,
Айтганида: шу жаҳонда мен учун Яҳё керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎНГИЛ

Ташнадир меҳринг булоғига, вале қонмас кўнгил,
Истаги етгай фалакка, гарчи вулқонмас кўнгил.

Сен каби кўксим аросида ҳаётдир, у ҳаёт,
Шу сабабли севгидан ҳеч пушаймонмас кўнгил.

Жонимиз сарчашмасию, эзгу хислар кўзгуси
Синса ҳаргиз аслига келмоғи осонмас кўнгил.

Излама қайларда, деб ошиқ йигитнинг кўнглини,
Қўлларингда эй пари, у танда пинҳонмас кўнгил.

Айрилиқ шомида жом тўлгай ситамлар қонига,
Гарчи кўнгил беғубору аслида қонмас кўнгил.

Таъналар занжирбанд этган билан бўлмас асир,
У сени дер, ишқ вафодан ҳеч қачон тонмас кўнгил.

Бўлса гар машъал юрак, Яҳё йўли ойдин мудом,
Қуйдирар ўтда рақибин, ҳам ўзи ёнмас кўнгил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОНГ ҚУШИҒИ

Субҳидам ўз пардасин очган маҳал
Тонг юзига офтоб қўйганда ҳал,

Ғунча алвон қалбини жон айлабон,
Интизор булбулга келтиргач асал.

Сенга етгайму саломим, билмадим,
Ишқ муаммоси қачон бўлгуси ҳал?

Мен сиёҳ айлаб кўнгилнинг қонидан,
Нозанин номинг қўшиб ёздим ғазал.

Ҳар нафас ёнингга учмоғим келур,
Хатларим бўлса қанотим, эй гўзал.

Икки дил шайдолиги — Яҳё сўзи,
Ёр васли бўлди тақдири азал.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОРАЗИНГ

Оразинг олдида, ёр, гул жамоли ол дедим,
Ҳам бари бўстон чиройин қатраи мисқол дедим.

Оҳ, эсиз гул барги сўлгай, гул жамоли сўлмасин,
Гул чиройингни санам, кўз мардумида қол, дедим.

Қатраий оби зилолинг юз узра гоҳи равон,
Гарчи инжудир алар, алвон юз узра ол, дедим.

Дил дедиким, ушбу ганждир қанча озору алам,
Дилга мен ганжини қолдир, ранжини сен ол, дедим.

Сўрсалар, Яҳё на деб бул қилмишингни боиси,
Ёр ашкин рашку ҳижрон бобида тимсол, дедим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁРГИНАМ, ДИЙДОРГИНАМ

Эй муносиб ёргинам,
Барною, хуш рафторгинам,
Қўш хилоли нозанину
Қўзлари хуморгинам.
Тандаги жоним сенга
Ҳам аҳду паймоним сенга,
Тоза виждоним сенга,
Эй ёри беозоргинам.

Сендан ўзга ёр йўқ,
Бир маҳрами асрор йўқ,
Меҳрибон ғамҳор йўқ,
Дилбарим, дилдоргинам.
Гоҳ шоҳман, гоҳи гадо,
Ишқинг куйида мубтало.
Бўлмайин сендан жудо,
Эй маҳрами асроргинам.

Ишқ йўлин поёни йўқ,
Ошиқ ишин осони йўқ,
Севгининг армони йўқ,
Сен номусим ҳам оргинам.
Шодлигим, завқим ўзинг,
Жон роҳати ширин сўзинг,
Қўрмасам гулгун юзинг,
Девонаман, гулёргинам.

Ҳар каломинг, розларинг,
Хушдир менга эъзозларинг,
Хўп ярашгай нозларинг,
Гоҳида шўх, айёргинам.
Гул жамолинг куйлабон
Яҳё қувончи бир жаҳон,
Бахтима бўлгин омон,
Эй ёргинам, дилдоргинам.

8. XI. 1985 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖАМОЛИНГ

Мурувват қил гуландомим, ки васлинг фурсати келсин,
Нигоҳим интизор ўлмиш, жамолинг сурати келсин.

На суратким, жамолинг орази ойина қалбимга,
Дамо-дам фикру ёдимда юзинг холу хати келсин.

Менам Мажнуни зорингман, кўйингда бир гадо янглиғ,
Кўзим яйратгали бир дамки, Лайло талъати келсин.

Сиғинган онима борлиққа, ҳажринг бирла ўртансам,
Ширин ёдинг олиб кўнглимга севгинг роҳати келсин.

Муҳаббат мулкида зор ўлмоғим қисматда бор эрса,
Менга Фарҳод фироқи бирла ошиқ тоқати келсин.

Муяссар бўлганида хаста Яҳё гашти васлингга,
Енағинг шуъласи бирлан дудоғинг шарбати келсин.

18. XI. 1985 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СИЗДАН ВА БИЗДАН

Санам, ишқ оламида беқиёс завқу сафо сиздан
Қи, ўтли кўйингизда ҳар нафас бўлмоқ адо биздан.

Сизу биз ишқ аро туйғулар овворaси бўлсак,
Шижоат биздану, иффат ила шарму ҳаё сиздан.

На ҳолат тушмасин бошга, муҳаббат риштамиз бирким,
Чирой сиздан ва сизга бир жаҳон меҳру зиё биздан.

Рақиблар таънасига қилмайин парво садоқатда,
Мудом бирдай қолиб бўлмоқ ҳамиша дилрабо сиздан.

Баробармиз ҳаёт уммони узра меҳнату завқда,
Фусункор туйғулар сиздан ва порлоқ муддао биздан.

Дегай Яҳё, ҳаёт бирлан муҳаббат умр йўлдоши,
Бу кўзлар ўнгида мангу қолиш нозик адо сиздан.

24. I. 1988 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАҚҚОШДАН

Қай чаман кўрки намоён ўсма қўйган қошдан,
Тола сочлар узра пинҳон бу севимли бошдан.

Кўнглида нелар кечар, не истагай жононамиз,
Не кутар гулюз табиат ном ажиб наққошдан.

Жисму зорим икки хат остида икки жодуда,
Гар қаро кўзлар кечирмиш қанча савдо бошдан.

У ақиқ лаблар аро не инжулар саф тортишиб,
Бўлдими пайдо алар кўздан тўкилган ёшдан.

Ишқ аро энг шод онлар, кўзда ёшлар ҳам бўлур,
Шу сабаб ажралмасин дил севгили сирдошдан.

Куйларин жилвасини қай жилодан олди, деб,
Сўрсангиз, Яҳё дегайким, сабр ила бардошдан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎРМАГИН

Дилрабо, ҳижронни мендан сўрмагин,
Гул ўзинг, бўстонни мендан сўрмагин.

Қуйларим, хонишларим ёдинг билан,
Нолаю афғонни мендан сўрмагин.

Сен эмасму истагим, шайдолигим?
Орзую армонни мендан сўрмагин.

Кўзларинг узра ёнар сайёралар,
Қайда, деб, осмонни мендан сўрмагин.

Хаста бўлсам боиси соғинганим
Сен ўзинг — дармонни мендан сўрмагин.

Биргина ширин сўзинг-ку минг китоб,
Ёз! — дея, достонни мендан сўрмагин.

Дил агар маскан эрур қалбинг аро,
Борлигим сен, жонни мендан сўрмагин.

Севгимизга тоза виждоним гаров,
Аҳд ила паймонни мендан сўрмагин.

Интизорлик ичра Яҳё ўртанур,
Ишқ аро туғённи мендан сўрмагин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁРГА

Гул юзга хол қўйма,
аслида холи бордир.
Қошга тегизма олмос,
қошинг ҳилоли бордир
Термулма сарву қадлар
бўйига, эй дилором,
Ҳусн оламида ёлғиз
қаддинг ниҳоли бордир.
Гулга этиб тавозе,
сўрма гулоб ундан,
Гулгун юзингда, дилбар,
гуллар жамоли бордир.
Сен ғунчанинг чиройин
мафтуни бўлма мунча.
Ғунча лабингда алвон
гулларнинг оли бордир.
Рашк айлама бўлаклар
ҳуснига, ёр, ҳаргиз,
Ҳар боқишинда заррин
офтоб мисол бордир.
Ширин калом сўрасанг,
Яҳё бўлур хижолат,
Ҳар бир сўзинг ғазалдир,
тилларда боли бордир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИЛКУШОДИР

Ширин суҳбатларингиз дилкушодир
Қаломингиз хазин қалбимга жодир.

Нигоҳингиз ёнур гул ранги бирлан,
Нечунким, зулфингиз тундай сиёдир.

Чаманлар бўйи хуш рафторингиздан,
Майин эсган ажиб боди сабодир.

Этолгайму қалам тасвирингизни,
Агарчи ҳуснингиз нозик адодир.

Шунинг-чун то ҳануз овора кўнгил,
Қарору сабридан бирдай жудодир.

Яна Яҳё этаркан тасвирингиз,
Муҳаббат домига у мубталодир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЕЛИБДИР

Бўстон кўринди кўзга ширин хаёл келибдир,
Гул атрини олибон, аста шамол келибдир.

Гўёки кўзларимда бўлмиш баҳор намоён,
Нозик табассумила соҳибжамол келибдир.

Тенгсиз хаёл жаҳони жаннат яратди кўзда,
Гўёки қошима ёр, нозик ниҳол келибдир.

Қалби бўлибдир чашма ораста туйғулардан,
Оби ҳаёт олибон менга зилол келибдир.

Ҳолим сўрабди дилбар, тарқатди мушку анбар,
Меҳри мисоли гавҳар, қоши ҳилол келибдир.

Ширин хаёл яратган бўстон ичида Яҳё,
Севги таронасила куй бемалол келибдир.

28. III. 1986 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎТГАН КЕЧАЛАР

Энг сўлимдир ёр учун мен
зор ўтган кечалар,
Ёди васли бир-ла кўп
бедор ўтган кечалар.
Дилрабо васли насиб этса
шудир хуш онларим,
Икки кўнгил бир бўлиб
хумор ўтган кечалар.
Жилвагар этса чиройи
ҳар қоронғи тунни ё
Минг баҳор кўрки ила
гулзор ўтган кечалар.
Чайқалур сарҳуш бўлиб
шунда само юлдузлари,
Ой ҳам масту ўзим
хушёр ўтган кечалар.
Ёр ила кутсак саҳарни
ишқимиз дунёсида,
Биз учун чексиз, рақибга
тор ўтган кечалар.
Севгининг ҳар лаҳзаси,
Яҳё, саодат онидир,
Билки, ҳаргиз бўлмагай
такрор ўтган кечалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУЙЛАР

Дилбар қўлида сози,
Ҳар ноласида нози,
Ноз узра ишқ рози,
Кўзи хумор куйлар,
Чертиб дутор куйлар.

Куйлар кўнгил хуморин,
Ҳам санъатин, баҳорин,
Айтиб кўнгилда борин
Гул юз нигор куйлар,
Чертиб дутор куйлар.

Куй жилвагар ўзидай,
Чақнаган юлдузидай,
Оҳанглари сўзидай.
Ёрига зор куйлар,
Кўзи хумор куйлар.

Бахтин этиб тарона,
Куйлади ёна-ёна,
Шу дилрабо замона
Яҳёга ёр куйлар,
Кўзи хумор куйлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУДДАО

Ўз кўрки оразига, ҳусн аҳли маҳлиёдир.
Бу ораздан кимлардир ўз ақлидан жудодир.

Шайдолик узра одам кўкларга учгуси бор,
Кимларга бу насибу кимларга не балодир.

Ҳусн аҳли дерки кўплар пойимга бош қўйган,
Нечун алар бу янглиғ орзуга мубталодир?

Ҳусн аҳлига муҳаббат бўлгач насиб баногоҳ
Шу онда фикру ёди ҳижронга ошнодир

Ҳижронда куйса жонлар орому сабри қайда?
Ерини қўмсаганда кўйида бир гадодир.

Ишқ аҳли қисматида ҳар неки бор, бахти шул.
Севги куйини ёзмоқ Яҳёга муддаодир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИЛМАДИНГМУ

Ишқимни дил рубобин торида билмадингму?
Шайдолигимни булбул зорида билмадингму?

Хонишларимни тинглаб ҳар ғунча юз очаркан,
Соғинганимни гуллар норида билмадингму?

Қўнгил пиёласидай тошганмикан пиёла?
Қалбим тусини тоғлар қорида билмадингму?

Жон пардасида васлинг пинҳон экан дилимда,
Қизғанганим йигитлик орида билмадингму?

Ҳар лаҳза-ю дақиқа ёдинг-ла кечса шудир:
Ошиқ кишини касбу коридан билмадингму?

Яҳё сўзини изҳор этмакка чора топмай
Қўнглида минг хижолат борида билмадингму?

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОРАЗИНГИЗ

Рафтору оразингиз оташму ёки жонму,
Ё анда, эй гуландом, жоним менинг ниҳонму.

Боққанда лол қолурман, ҳам баҳралар олурман,
Рашк ичра ўртанурман — бу яхшиму, ёмонму.

Бегона кўздан асращ, ё сизни жонда сақлаш,
Ҳар лаҳзада сўроқлаш ҳижронму, ё гумонму.

Мен борлигимда койиш, кетганларимда зорлик,
Дилхаста кўнгли торлик, бу севгидан нишонму.

Олам-маломатига бардош этиб менинг-чун,
Номардга нафратингиз ағёр учун аёнму.

Бу митти қалбингизга дунёни жо қилибон
Яҳёга шафқатингиз миқёси бир жаҳонму?

17 декабрь 1989 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭЙ САНАМ

Эй санам, гул юзларинг посбониму пайваста қош?
Лабларинг узра қизил гул ғунчаси қўйганму бош?

Кўзларинг кўргач само ўз акси бирлан маҳлиё,
Навниҳол ҳам қоматингни олдида эгмасму бош?

Бир таббасуминг-ку бўстон ҳуснидан бергай дарак,
Не сабабдан лоларанг рухсоринг узра қатра ёш?

Майлиму берсам савол, қай дил гирифтори ўзинг?
Айт, чиройинг баҳридин бегона қай бир бағритош?

Сув парисиму ўзинг, аслингни Яҳё билмади,
Сочларинг ҳар толасин зар бир-ла ювганму қуёш?

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧОРАСИЗЛИК БАЙТЛАРИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАРРА УЧҚУНДА

Қўлимга боз қалам олдим,
нигорим бўйи бор бунда,
Менинг бирла ғазал битганди
ҳар бахтиёр кунда.
Бу кунлар дилрабо васлига
мен ёр ўлганим бўлса,
Ғазаллар ҳам симоб янглиғ
оқиб келган эди шунда.
Ғазал ёзмоқдаман такрор,
санамнинг ёди — илҳомим,
Сўлим айёмларим қайта
намоён бу хазин тунда.
Қалам менга хабар бергай
нигорим ҳолидан ҳар он,
Йўлимга интизорим, интизор
эрмиш менга кунда.
Қалам элтар нигоримга бу
дардли зори-жонимни,
Юрак ҳамроҳ бўлур унга,
ўзимким гарчи тутқунда.
Дегай Яҳёки илҳом сўнмасин
то танда жоним бор,
У гулхандай ёниб кетсин,
агарчи зарра учқунда.

8. XI. 1985 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИЛДОР ҚОШИДА

На бахт эрди менга хуш онларим дилдор қошида,
Унинг меҳру вафо бирлан тикилган кўз қарошида.

Муҳаббат мавжи чарх урмиш эди ёрим қувончию,
Висол айёмларида гуллаган ораста ёшида.

Кўзимнинг гавҳарига нур келиб чақнар эди ўтлар,
Бу ёғдулар ниҳон энди санам меҳрин қуёшида.

Ўзим бахтимга қувнаб, во ажаб дердим ўшал онлар,
Икки жодусининг гул юз билан ҳуснин талошида.

Дамо-дам мубтало эрдим унинг гулгун жамолию
Табассум бирла, ноз бирла менинг ҳолим сўрошида.

Мени банд этдилар ногоҳ ки, ёр қолмиш аросатда,
На кун бўлмиш санамнинг энди ёлғиз ғамли бошида.

30. I. 1986 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХАЁЛ

Дилим титрар, қўлим титрар,
вужудим титрагай бирдай,
Ўзим эрмас, хаёлим истагим
ҳам банди занжирдай.

Буён келтирдилар, билмам
на кечгай энди аҳволим,
Дақиқам даҳшати гўё менга
бир сирли тақдирдай.

Вужудим узра қолмоққа
кўнгилнинг тоқати ҳеч йўқ,
Чиқай дейди танимдан у
ўзи чиқмоққа қодирдай.

Жудолик, хасталик, ҳижрон,
муҳаббат ҳам висол дарди
Кўнгилни ушлагай танда,
бўлиб митти баҳодирдай.

16. IX. 1985 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАВҚЛИ АЙЁМ

Эй ҳаёт, қилгил мурувват, қайтадан номим керак,
Меҳнату, ижодда ўтган завқли айёмим керак.

Тўхтатиб қўйгил рақибнинг ғийбату жабри етар,
Менга осойиш берувчи субҳ ила шомим керак.

Сабр қилдим неча йил қийналди жон бўҳтон аро,
Эй ҳақиқат, келгин энди, менга пок номим керак.

Бошга тушди барча жабру ҳам ситамнинг бор тури,
Қолган умримга назм ҳам нурли илҳомим керак.

Қайтмагай дерларки ёшлик, лек баҳор қайтгусидир,
Қайтадан келсин баҳорим, шўх дилдорим керак.

Дилрабо ёди билан Яҳё ўтар зор ҳар дами,
Дил уйига меҳрибон сарви хиромоним керак.

4. V. 1986 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНАВВАР ҚИЛ

Азиз қисмат, кел энди бу қаро шомим
мунаввар қил,
Менга озодлик гаштин қуёш янглиғ
муқаррар қил.

Кечиргил гар хато қилган эрсам
босган изим бирлан,
Ҳаётнинг нашъасини кўзларимга
дуру гавҳар қил.

Ҳаётдан ҳам ширин эркан азиз
озодлик гашти,
Унинг ҳар лаҳзасин асраб умр
йўлимда сен зар қил,

Керакмас молу зар менга, агар
кўкдан ёғилса гар,
Ҳаётимни менинг тупроғ ила
майли баробар қил.

Бўлурман ўлгунимча хоксор ҳам
элга содиқ қул,
Бу йўлда, қисматим, Яҳёга энди
мангу бовар қил.

16. IX. 1985 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХАБАР ҚИЛГИЛ

Сабо, бу ҳолу зоримга келиб бирдам назар қилгил,
Мени тарк айлагил сўнг, ёр қошига сафар қилгил.

На кўрдинг, на эшитдинг, сўнг бу аҳволи ҳазинимдан
Ушал мунис нигоримга бу аҳволим хабар қилгил.

Алам ютди бу икки чашму зорим чашмасин бирдай,
Висол ашкин олиб кел, чашму ҳайронимни тар қилгил.

Менинг бирлан сиғинсин дилбарим тақдир қуёшига,
Бу эзгу заррадан зардоб дилистонимни зар қилгил.

Ғарибинг ҳолидан сўз очмагил зинҳор ғанимларга,
Риёкору, бахиллардан, сабо, бирдай ҳазар қилгил.

Етар Яҳёга тақдир жабри бирлан таънайи аёр,
Машаққат йўлларимга ҳам ўзинг бир бор гузар қилгил.

29. V. 1986 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚОЛМАДИ МАЖРУҲ ТАНИМ

Қолмади мажруҳ таним аъзоларининг соғи ҳам,
Банд аро сўлмоқда серташвиш умр япроғи ҳам.

Ёвларимнинг қастидан бу ерда ҳам йўқдир омон,
Бунда мен зорга йўқдир фароғат чоғи ҳам.

Тинмайин қўмсаб эзилган рўзғорим меҳрини,
Тўтиёликка топилмас хонадон тупроғи ҳам.

Бетиним оққан билан пинҳон бу ашким охири,
Нам қуриб қолди, эриб кетмишки кўзлар ёғи ҳам.

Қанча армону, тилак бўлмиш ниҳон кўнгилга,
Энди заҳм ҳолига кирмиш хаста кўнгил доғи ҳам.

Бағри тош қисмат мурувват айлагил Яҳёга, кел,
Қайғу бас, бўлсин насиб эркин ҳаёт кечмоғи ҳам.

5. VII. 1987 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИЛДА АРМОН

Сўрма аҳволимни, дилбар, завқдан бегонаман,
Гоҳида ошуфта ҳолу, гоҳи ўтда ёнаман.

Энди билмам, жону дилдан завқланиб кулмоқ нима,
Ҳамдамим танҳо қаламдир ғам билан ҳамхонаман.

Дилда армон бўлди зардоб, қатралаб кўздан оқур,
Эсласам мушкулларимни шул замон девонаман.

Ҳолатимни гар унутсам қатра ором чоғида,
Эслабон жўшқин ҳаётим, уйқудан уйғонаман

Завқли онлар, шеър гашти, дўсту ёронлар қани,
Эслабон созу навони қайта ўтда ёнаман.

Қайдадир у соз авжи, қайда нурли кечалар,
Энди ҳасрат гўшасида ёлғизу бир донаман.

Эй азиз тақдир, ўзинг қилгил раҳм Яҳё йўлин,
Йўқ эса олам элида лаҳзалик [illegible]онаман.

20. V. 1986 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕҲРИНГ ЗИЛОЛИ

Жигарнинг қони оқди кўзларимдан,
Уни меҳринг зилоли бирла тўлдир.

Аламнинг дуди келса сўзларимдан,
Нигорим бил, кўнгил армони мўлдир.

Муҳаббатнинг йўли гар ихтиёрим,
Гулим, бил сен томон бу тўғри йўлдир.

Қалам гар энди бўлса йўғу борим,
Унинг соҳибу бу хаста қўлдир.

Ёзарман айрилиқнинг доғу дардин,
Чаманзорим букун кўзларда чўлдир.

Сурай десам кўзимга васли гардин,
Ғанимлар айтадир: Яҳёни ўлдир.

Улим йўқдир менга, куйдай ҳаётман
Ҳаётим сўнгги ҳам равшанлик йўлдир.

21. IX. 1985 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲИЖРОН БУКУН

Сен у ёнда, мен бу ёнда,
ўртада ҳижрон букун,
Туйғулар овворaликда йўл кутиб
сарсон букун.
Энтикиб мен соғинурман, қуш
қанотим йўқ, валек,
Етгали қошингга ёрим, йўқ эса
имкон букун.
Чора изларман заковат бирла
бардош мулкидан,
Бор хаёлу, фикру ёдим
гарчи бепоён букун.
Сен менга омад тилайбер
севгимиз умри ҳақи,
Чин муҳаббат ҳам менингдек
зору, саргардон букун.
Бу жудолик боисидан лек
ёниб кул бўлмагил,
Яхши фурсатларни кутгил —
ноумид шайтон букун.
Ҳақни топмоқ гарчи душвор
лек Яҳё ҳақ дея
Бу машаққат йўл аро
излайди бир имкон букун.

9. XI. 1985 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁШ ЙЎҚ

Кўзларимдан қон келадур, чунки энди ёш йўқ
Менда бундай қайғуларга зарра ҳам бардош йўқ.

Қолмади бардоши тоқат, сабр ҳам бўлди адо,
Қайғуни ўйларга ортиқ тан ғарибу бош йўқ.

Кўчанинг тоши каби бу бошимга жой йўқ.
Ўз билан ўзни уролмас ургали бир тош йўқ.

Мен жудоман хешу бордан, дилда ғамлар тоғ қадар,
Барча бунда дардлидир, бир меҳрами сирдош йўқ.

Ҳолатимни сўз билан айтурда имкон бўлмаса,
Заъфарон рангим чизарда беғараз наққош йўқ.

Ёру зорим уйда нолон, бунда Яҳё интизор,
Бу ғариб ҳолимда ёримдай менга сафдош йўқ.

22. IX. 1985 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎЛГАНИ ЙЎҚ

Юрак юз пора, аммо
сўлгани йўқ,
Қизил қонга бўялган,
ўлгани йўқ.

Умид отлиқ даво анга
нажотдир,
Умрнинг нашъаси-ла
тўлгани йўқ.

Умид — фикримда оташ
ҳам қанотдир,
Умид — бу ҳолатимда
зўр саботдир.

Умид бирлан яшарман,
боз яшарман,
Умид — озодлигу
менга ҳаётдир.

5. X. 1985 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУТ

Сабо, ғам гўшасида турганим билгилу, пинҳон тут,
Кўринмассан, кел эй ёнимга ҳамроҳ бўлгилу, қон ют.

Сени кўрмаслар асло ёвларим, бўл ҳамдамим бирдам,
Бу ёлғизлик балосинда арзим айтсам майли, маъзур тут.

Кўриб бу ҳоли зорим, сўнгра бор, дилдор қошига,
Кўнгил қонидан олган лолани ёримга зинҳор тут.

Олиб бу оламда ёр кўргуси кўнгилдаги доғим,
Санамнинг хотирин сақла ки бўлмай у паришон тут.

Нигоримга саломим айт, дегил муштоқлигим албат,
Дегил Яҳё келур бир кун, дегилки сен нигорон кут.

13. V. 1966

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХАРИДОР ЭТ

Мурувват айлагил олам, менга субҳинг харидор эт,
Ёруғ тонгинг жамолин қисматим шомида изҳор эт.

Етар жабру жафо, ортиқ маломатларга тоқат йўқ,
Ғанимлар интиқоми келса энди радду инкор эт.

Бағишла энди субҳингни саболарга дейин розим
Қи, инсон шавқу завқи қайтадан қалбимда такрор эт.

Мени тарк айлаган бахтим агар гафлатда хоб этса,
Хабарсиз, бемурувват толеим, бахтимни бедор эт

Сабо, кел, муждалар берсам олиб боргил яқинларга,
Менинг орзуларим бирлан аларни ҳам хабардор эт.

Аларга мунтазир Яҳё, дили қон, деб, хитоб айлаб,
Менинг соғинчларим, дардим гўзал ёримга изҳор эт.

3. VI. 1987 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Куйла созим яхшиликни
жисм аро жон борича...

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОРИЧА

Қуйла созим яхшиликни жисм аро жон борича,
Тоза ҳислар бор бўлсин, орзу, армон борича.

Коинот измида инсон, улки ҳар недан улуғ,
Эзгулик бўлсин омон ер бирла осмон борича.

Тўғрилик қаддин кўтарсин, юз қаро бўлсин ғараз,
Тўғрилик бўлсин омон оламда дармон борича.

Юз кўришмоқ онида ғийбатга одат килмайин,
Тарк этайлик бу ғаразни токи имкон борича.

Не ҳаёт мотамсародирким хусумат дудидан,
Чек қўяйлик биз хусуматларга виждон борича.

Учса шафқат гар тафаккур мулкидан инсон заиф,
Жон ичида асрангиз шафқатни дармон борича.

Қанча савдо бошга тушгайким бахиллар жабридан,
Ўт қўяйлик фитналарга дилда туғён борича.

Чек қўяйликким ҳасадга, у разолат келтирур,
Ҳар киши қочсин ҳасаддан, то пушаймон борича.

Дол этмайлик ҳақиқат қоматин иғво билан,
Қадди рост бўлсин ҳақиқат токи имон борича.

Яхшилик мисли қуёш деб, куйласин Яҳё мудом,
Яхшилик қолгай абад, оламда инсон борича.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗИЁ КЕЛСА

Ҳаётим порлагай, назмим қуёшидин зиё келса,
Аруз дурдонасидин байтларимга тўтиё келса.

Ширин сўзу-сухан дунёсининг поёни йўқ ҳаргиз,
Қаломимдан ажиб мазмун ила ётган жило келса.

Гўзал лутфу латофат бирла ўтли байтлари гулранг
Навоий назми дунёсин кезиб оташ нидо келса.

Буюк аждодлар фикру хаёлин ўзда жам айлаб,
Ўшал Хайём фикридин менга жўшқин садо келса.

Шаҳид ўтмиш йироқларда улуғ ёшида Шомашраб,
Назм қасри эрур обод унингдек бир гадо келса.

Менга гар зарварақлар сўйласа Бобур каломидин,
Кўнгилга ушбу сиймо байтлари хуш жо-бажо келса.

Неча қилди фиғон Фурқат ватан кўйида оввора,
Ғазаллар жон олур ҳаргалки ундан илтижо келса.

Саида ўтди зор, сабру-қаноатда нафис куйлаб,
Нафосат боғидан ишқ аҳлига меҳру вафо келса.

Азимий ўтди — сафдошим, неча ўйноқи байт қолди,
Аруз куйида оввора унингдек мубтало келса.

Муҳаббат куйчиси мумтоз Эркин назми дилбарким,
Санамлар оразин акси бўлиб янги ҳижо келса.

Эзилган жону-зорим истагай озод баҳор гаштин,
Ҳаётимнинг баҳорила сарин боди сабо келса.

Гўзалнинг меҳри Яҳё куйлари узра тараннумдир,
Муҳаббат мулкига қайта кулиб нозик адо келса.

31. I. 1986 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚОЛГУСИ

Сўнса вулқон гарчи сокин, ўрнида тоғ қолгуси,
Ундан оққучи кумушранг чашма, ирмоқ қолгуси.

Яхшиларнинг зийнати бўлса, жаҳонда ҳиммати,
Яхшилардан қанча кошона, чаман боғ қолгуси.

Чўлни обод айламоқ халқимга хос олий ҳунар,
Меҳнат аҳлидан саноқсиз, нурли қишлоқ қолгуси.

Норасо, кўнгил қаролар бир куни бадном бўлиб,
Хуш фазилатли кишидан дўсту ўртоғ қолгуси.

Фитналар заҳри чаённинг заҳридин бўлса ёмон,
Дилда битмас бир жароҳат бирлаким доғ қолгуси.

Эл азиз айларки доим барча ижод аҳлини,
Ҳар бири тарих китоби узра мутлоқ қолгуси.

Мен агарчи бир қаламкашман нафосат боғида,
Бор умид — мендан бу боғда неча япроғ қолгуси.

Бир куни, Яҳё, таним хок бўлса гар фурсат келиб,
Назм аҳлидин, дея покиза тупроғ қолгуси.

15. II. 1986 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАЗМ ЗАВҚИ

Назм мулки беқиёским, эзгу завқлар андадир,
Оташин оразга бунда шеър аҳли бандадир.

Келса илҳом байт они, ёки қайғу чоғида,
Шеър аҳли бунда завқдан қайғудан ҳам кандадир.

Жилвакор ташбеҳу, тасвирлар насиб этган замон,
Қалбини соз айлабон, шоир ўзи хонандадир.

Шунда оқ қоғоз таманно айлагай юз ноз ила,
Ҳамда заҳматкаш қалам олий мақом созандадир.

Дил ўзи тенгсиз фазоким, беқиёс туйғуга кон,
Гоҳи у бўстон ичида, гоҳи ўт, гулхандадир.

Келса гар байтлар нидосидан билинг ўтли садо,
У кўнгилнинг ноласиким, акс садоси мендадир.

Яхшиликни куйла Яҳё, дер кўнгил, то сен ҳаёт,
Чун умр завқи ҳаёт ном энг сўлим гулшандадир.

6. VIII. 1986 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖАВОБИМ БОР

Ғазал шайдоси бўлганман, шунинг чун тарки хобим бор,
Қўнгил созандаки, тори узилмас зар рубобим бор.

Қалам сирдошу, ҳамроҳим, дами ҳижронга у воқиф
Ки, ўлмас шашмақомнинг ноласидан интиҳобим бор.

Мақом бирлан боболар нағмаю сози кириб қонга,
Вужудимда ҳаётим борича ўтли шитобим бор.

Шитобимки, жаҳон аро диловар назм бўстони,
Унинг пойига етмоққа ҳавас бирлан хитобим бор.

Навоий назмин офтобин дилимга зарраси тегса,
Ўларча бахтиёр эрдим, деган мутлоқ жавобим бор.

Аруз дунёсига кирдим, ажиб дунёки поёнсиз,
Муҳаббат байтини битмоқ учун кўп изтиробим бор.

Буюк алломалар назмига лек тақлид қилолмайман,
Ҳавас маъносида ёзган неча жажжи китобим бор.

Ғазаллар соҳиби Яҳё деманг, ижодкор халқдир,
Элимга куйларим етсин деган орзу шитобим бор.

9-10. XI. 1985 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОСОНИ ЙЎҚ

Гарчи байтлар қатрадир, туйғуларим поёни йўқ.
Назм аро заҳмат чекишнинг ҳеч қачон осони йўқ.
Байтлар мўъжиза гоҳо, гоҳ яралмоғи азоб,
Қатра байт битмоққа гоҳида кўнгил имкони йўқ.

Гарчи илҳом бир ҳазина, лек кўринмас кўзга ким,
У тафаккурда ниҳондир, жойи ҳамки кони йўқ.
Гаҳи тарк айлаб ўзингизни йироқ кетгай неча,
Минг уринган бирла баъзан қайтмоғин имкони йўқ.

Жаннату маъво керакмас аксари илҳом учун,
Назм элининг дилдан ўзга яхши хону-мони йўқ.
Гоҳида шуҳрат келибон, кетгуси илҳом нари,
Чун назм бирла анинг аҳд ила паймони йўқ.

Гоҳ қалам ашъор битса бу кўнгилнинг амрисиз,
Бу назмнинг ранги бору, қони бирла жони йўқ
Назм аҳлига шу эрур бахт барча илҳом дамлари,
Унга илҳом келса ўзга оташин хуш они йўқ

Шодлик ҳам қайғу доим шоир дилини тебратур,
Сўз дурига бу қаламдай сидқидил посбони йўқ.
Шеър ипи ногоҳ узилса зўр мадад бергай хаёл,
Шеър аҳлин бундан ўзга бир чаман бўстони йўқ

Аҳли шоир гарчи хоксор, лек нозик таъби бор
Қалб уйига севгидан ортиқ азиз меҳмони йўқ.
Ёр васли бирла илҳом ёнма-ён — соф туйғулар,
Бу нафосатлар даминнинг тенги йўқ, армони йўқ.

Янги-янги байт-ғазаллар бўлгуси пайдо яна,
Гарчи бунда ўзгаларнинг хоҳиши фармони йўқ.
Бу сатрларда ҳаёт завқи тараннум топгуси,
Оҳ, шоирнинг билингким, бесабаб ҳижрони йўқ.

Айрилиқ дарди унинг бағрида қолгай чўғ бўлиб,
Йиғлагай назм орқали кўзларда, лек афғони йўқ.
Бўлмаса меҳнат агар илҳому истеъдод ғариб,
Шоир аҳлин меҳнати чексизки, гар уммони йўқ.

Нотамом дейди мудом қилган ишинг байт соҳиби,
Шу сабабли то ҳануз Яҳёда назм девона йўқ.

1987 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭЙ, ҲАЁТ!

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒАНИМАТДИР

Дўстлар, тез ўтгуси ҳар дам ғаниматдир менга
Барча кундуз бирла шом, тун ҳам ғаниматдир менга.

Тарк этур одам ҳаётини тинмайин йилу ойлар,
Ҳар баҳорда беқиёс кўклам ғаниматдир менга.

Тонглар рухсорини кутгум мудом, кутгум мудом,
Шукр этиб кўрганларим, шабнам ғаниматдир менга.

Таънаю ғийбат, ғараз ҳам фитнадин безорман,
Неки қондош, балки ҳар одам ғаниматдир менга.

Айтингиз, ким мангу қолгай бу жаҳон мулки аро,
Шу сабаб, Яҳё, ёруғ олам ғаниматдир менга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАҚДИР САБАБ

Завқу ишқим бениҳоя, бунга бордир бир сабаб,
Бул ҳаётим соҳиби ул турфаранг тақдир сабаб.

Берди тақдир менга бахтни, лек қайғулар қўшиб,
Қайғуга ағёрлар хўп қўллаган тадбир сабаб.

Қайғулар дуди аро қўрсам гаҳи мен офтоб,
Бунга ёримдан кўзим нуридаги тасвир сабаб.

Офтобимни кўролмасман бугун йўқдир илож,
Чун йўлим банд бунга ёвлар боғлаган занжир сабаб

Бир ғарибман энди бунда, ҳолимни билгайдир қалам,
Жону-зоримни ҳамон асрашда ҳам бу сир сабаб:

Бу менинг байту ғазаллар битмоғим эрса бугун
Волидам берган заковатдан буюк таъсир сабаб.

Шул сабаб, Яҳё, муродим, яхшиликдир, яхшилик,
Яхши дамларни ато этмоққа бул тақдир сабаб.

22. II. 1986 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

РЎШНО

Сўйлагил ҳақ сўзни, кўнглинг
рўшно бўлсин десанг,
Қимсага ҳеч берма озор,
ошно бўлсин десанг.

Меҳнатинг, илминг ва
одобинг, дидингни доимо
Ҳамнафас қил қунт ила,
ақлинг расо бўлсин десанг.

Сен отанг бирла онанг
одамлигидан ибрат ол,
Волиданг бирла падар
сендан ризо бўлсин десанг.

Доимо бўлгин фидо, сергак
элинг иқболига,
Ҳам мунофиқнинг ўзи
доим қаро бўлсин десанг.

То ҳаётсан, этмагил ҳаргиз
хиёнат ёрга,
Кўзлари шаҳло нигоринг
қоши ё бўлсин десанг.

Ёр меҳрин асра кўзлар
мардуми ичра мудом
Дилбарингни бир умрга
дилрабо бўлсин десанг.

Ҳар ишинг, Яҳё, элингга
бахш этиб ижод қил,
Халққа хизмат қилки,
умринг бебаҳо бўлсин десанг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАМ БЎЛМАГАЙ

Тўғри йўлдан юрса ҳар ким, қомати хам бўлмагай,
Порлагай у сийм қуёшдек ҳеч сўниқ шам бўлмагай.

Дўстлар қалбига боққан ҳар вафолик кўз — ҳаёт,
Бахтиёр дамлар зиёсидур, вале нам бўлмагай.

Ҳам ота, ҳам меҳрибон волидаги хизмат этиш
Ҳар йигитнинг истагиким, бу йигит кам бўлмагай.

Меҳрибонлар хонасида кечалар ёнгай чироқ,
Норасолар даврасида дўстлар жам бўлмагай.

Ким бахилдир, дўстларнинг бахтига қилса хасад,
Тоза дилга берса озор, асли одам бўлмагай.

Гар «Наво» бирлан «Ажам» авлодлардан бир нишон,
Баҳра олсак бу ҳазина то абад кам бўлмагай.

Эзгулик мафтуни бўлганлар билур куй қадрини,
Ким ғазал шайдоси, Яҳё, кўнгилда ғам булмагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПАРВОНАМАН

Беҳисоб эрмиш ҳаётнинг қиссаю афсонаси.
Чун жаҳон мулки кишиларнинг сўлим кошонаси.

Бу каби кошонага одам эли бергай жило,
Сарф бўлур не-не умрларнинг бари дурдонаси

Кимга бу кошона бахту, кимга қайғу келтирур,
Ким учун тор бу жаҳон, ҳасратли ғурбатхонаси.

Неки бор волида фарзандига омадлар тилар,
Қайғуни инсонга бахш этган эмаску онаси.

Бахтидан излар нажот ҳар кимса бу кошонада,
Кетмагай бундан нари тўлгунча то поймонаси.

Қисмати ойдин кишилар эркидан бўлмас жудо,
Бандаро зор қолмагай шўр бўлмаса пешонаси.

Ҳар қоронғи тунни дерларки ёруғ субҳи келур,
Ёнса гар бу шамчироғ, Яҳё унинг парвонаси.

1. IV. 1987 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭЙ, УМР

Эй умр, оламча кенгу баъзида кўп торсан,
Гоҳида обод эрурсан гоҳида кўп зорсан.

Ғоҳ хаёл бирла самога айлабон парвозлар,
Қизлару ўғлонларим ишқи аро такрорсан.

Соғиниш, ҳижрон ила сирдош бўлиб мастонавор,
Сен баҳорми, ё висолми, ё гўзал дилдорсан.

Баъзида илҳом бўлиб, сайқал берурсан фикрима,
Ёз ҳаёт достонларини воқифи асрорсан.

Сен ила қолсин умидим севгимиз рамзи бўлиб,
Бўлмаса завқим ва ёрим, мен учун инкорсан.

Беқиёс мадҳинг дегай Яҳё, умр ноёбки,
Куйларим ичра қолурсан, севги бирла борсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУЮРМИШДИР

Менга тақдир ҳаёт бирла қаламни ҳам буюрмишдир,
Неча омад бериб лутфу карамни ҳам буюрмишдир.

Шукурларким, назмнинг сеҳрига ҳам айлабон муштоқ,
Гоҳида илҳом аталмиш чаманни ҳам буюрмишдир.

Насиб бўлмиш менга балким тинимсиз меҳнати бирлан,
Ҳаёт уммонида осуда дамни ҳам буюрмишдир.

Вале ғафлатни ҳам бермиш, ки ғафлатдин азоб келди,
Шунинг-чун сўнгги йиллар ғам аламлар ҳам буюрмишдир.

Вале, тақдир менга бахш айлаган бардош ҳаёт эркан,
Ҳаётдирман, яна лутфу карамни ҳам буюрмишдир.

6. VII. 1986 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТ

Ҳаёт бозор эрур, унда сотувчи ҳам харидор кўп,
Бировга бахт қўниб ногоҳ, бировга ранжу озор кўп.
Биров чаққон, биров илғор гоҳида зору ночор кўп,
Вале ҳар ким қидиргай бахт бу йўлда сиру асрор кўп,
Ҳаётнинг маҳсули гоҳи жаҳон мулкида сиймодур

Умр дерлар ҳаёт отлиқ бу тилсимни — билиш душвор,
Умр отлиқ нафосатни жаҳонда билмаган ким бор?
Унинг ҳар лаҳзасин тутмоқ эмас мумкин, ки у такрор,
Этилмас ҳеч қачон инсон элига қайтадан зинҳор,
Умр бирлан фақат инсон эли оламда зебодир.

Туғилмас ҳеч киши қотил ва ё жаллод бўлиб асли,
Ёмонлиқдан яралгайму азиз инсоният насли?!
Умрнинг ҳам баҳори бор, сарин ёзи, хазон фасли,
Баҳорин дейдилар ишқу муҳаббатнинг ширин васли,
Санамларнинг баҳори ҳам ажиб нозу таманнодир.

Туғилмоқдан бўларкан кам умрнинг соати ҳардам,
Учар кўкларга фурсатлар буни сезмайди ҳеч одам.
Неча умру ҳаётниким қўшар тупроққа боз олам,
Жаҳонда юздан ортиқ умри жовид кўргучилар кам,
Ҳаёт янглиғ умр ҳам бир таажжуб, ёки «аммо» дир.

Ҳаёт бозори қайноқдир, унингсиз ҳеч бозор ўтмас,
Бу бозордан билинг ҳеч ким ўзича ҳам чиқиб кетмас,
Умрнинг-ку баҳоси йўқ, бирон одам харид этмас,
Бу умр қадрига аммо кишилар кўп замон етмас,
Узоқ йиллик умр кўрмоқ кишига арши аълодир.

Ҳаёт бозорида меҳнат кишининг касбу коридир,
Йигитлик дамлари одам элининг навбаҳоридир,
Бу дамларни азиз тутмоқ ақлнинг ихтиёридур,
Ҳаётни асрамоқ ҳар бир кишининг номус оридир,
Муҳаббат ҳам, ғазаб инсон дилида мисли дарёдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаётнинг офати дерлар алам, қайғу, надоматни,
Ҳасад — душман, ҳасад яксон этур иқболу омадни
Ҳаёт бозоридан қувгил ҳасад, иғво, маломатни,
Амалпарвар кишилар хуш кўрур эҳсон, хушомадни,
Умр шундай курашлар маскани — ўткинчи дунёдир.

Одамий кўнгли орзусиз бўлмас экан ҳаргиз,
Кўнгил уммони поёнсиз, вале тўлмас экан ҳаргиз,
Азиз ижод меҳнатнинг гули сўлмас экан ҳаргиз
Ки шоир умри мангудир, назм ўлмас экан ҳаргиз,
Ҳаёт бозори гарчи ҳар кишига бир муаммодир.

Меҳрлар манбаи асли жаҳонда она меҳридан,
Ҳаёт бозори ноёб буюк дурдона меҳридан,
Неча афсоналар ҳақдир унинг афсона меҳридан,
Мудом фарзандига шулдир азиз парвона меҳридан
Ки борки она авлоди, жигарбандига шайдодир.

Ҳаётнинг зийнати фарзанд, унинг яхши, ёмони йўқ,
Ота бирла она фарзандга дўстдир, ҳеч гумони йўқ,
Ёмон фарзандининг ҳам гоҳи номақбул томони йўқ,
Уларсиз гоҳи фарзанднинг ҳаёту, хону мони йўқ,
Бу байтлар соҳиби оламча зору хаста Яҳёдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАРЁ ЭМАС

Оқди дамлар, демангизким дамларим дарё эмас.
Ҳар умр бир-бир ўтарки, умрлар якто эмас.

Ўтгучи дамларни дунё ютса гар ўз домига,
Қайтмагай дунёки, дамлар қайтадан пайдо эмас.

Интилар бахтига ҳар ким, юлдузим деб интилар,
Кўкда юлдуз гарчи кўпдир — ҳар бири Зуҳро эмас.

Чўкса юлдуз кўкда, янги-янги юлдуз барқ уриб,
Нур сочур, ўтган ҳаёт ҳам бунда мустасно эмас.

Севгининг дунёси кенгу, кўп чаманлар унда бор,
Ишқи йўқлар гулга ҳам, гулзорга ҳам шайдо эмас.

Севги мадҳин куйламоқлик — гул ҳаётни куйламоқ,
Кўп қалам ёзгай буниким, якка бир Яҳё эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУҲАББАТ

Шоир ғазалин завқила илҳоми муҳаббат,
Инсон дилининг шавқ ила ороми муҳаббат.
Ишқ аҳли қувончини кўриб, куйса ҳасадгуй,
Ошиққа сабо бўлгуси ҳар шоми муҳаббат.

Қай жонга насиб этгали бу завқли жаҳоннинг
Дилбар бу табиатдаги инъоми муҳаббат.
Ошиққа жаҳон завқи-ю, озорини берган,
Туйғуки ани аслида чин номи муҳаббат.

Маъшуқа ҳаёлида неча бўлгучи пинҳон,
Мингларча булоғдай ҳаяжон жоми муҳаббат.
Яҳёга ғазал гашти баҳор, боғи эрамким,
Ҳар бандига куй бергучи айёми муҳаббат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕК ГЎЗАЛИНИНГ ДУНЁСИ ЧИРОЙЛИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

РЕГИСТОН

Неча юз йилким само тургай Регистон бошида,
Қанча сирлар бор экандур бу фалак йўлдошида.

Қанчалар илму заковат воқифи кошона бу,
Ўтмиши беҳад китобким неча юз йил ёшида.

Неки меъмор зотини шайдо этиб, меъмор ўзи,
Қай ҳунар лол қолмади зебо Регистон қошида.

Не замонлар кечса ҳамки у элимдай пойдор
Гул Самарқандим зиёси ёнса ҳар бир тошида.

Бахтиёр давронда дер Яҳё Регистон жилвагар,
У жило бергай Самарқанд сайқалининг бошида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗЛАМА

Эй кўнгил, ҳаргиз ғаннмдан ошнолик излама,
Кутмагил андан мурувват хайрихоҳлик излама.

Ушбу дунё кори шулким, ҳар ғаним баттол бўлур,
Қоп-қаро тундан баногоҳ рўшнолик излама.

Сен сипоҳ бўл, қилма бўҳтонларга бўҳтондан жавоб,
Айла бардош, лек ғаниминғдан сипоҳлик излама

Гар рақиб эл наздида номинг қаро этмоқ бўлур,
Эл ишонмас бунга, билгилким, хатолик излама.

Баъзилар майлига учсин таънайи ағъёрнинг,
Норасолардан бугун ақли расолик излама.

Бир кунимас бир куни эл англагайдур ҳақлигинг,
Сабр қил Яҳё, жаҳондин мосуволик излама.

14—15 июнь 1987 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

АТЛАСИМ

Ёр юрар атлас либосда, ҳусни бўстон рангида,
Барқ уриб ёнгай жилоси моҳитобон рангида.

Навбаҳордай товланур атлас нигорим эгнида,
Гоҳи юлдуз, гоҳи кундир, гоҳи осмон рангида.

Бу чаманми, воажаб, ёки баҳористонми бу,
Ёки оппоқ, ё сариқ тиллому жонон рангида.

Ким бино этган буни, устолари заргармикин,
Ё тўқувчи қиз-жувонларми намоён рангида.

Бунда барқ ургай Самарқанду Бухоро жилваси,
Марғилон жононлигию, гул Намангон рангида.

Қувна, Яҳё, дилраболар бирлаким дунё кезар,
Қайга борсам атласим жон Ўзбекистон рангида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАНБУР МАДҲИ

Танбур садоси, сози дилдаги роз десам оз,
Танбур навоси бирлан булбул эмиш сарафроз.

Танбур куйида тарих, аждодлар нидоси,
Ҳар ноладан муҳаббат кўкларга қилар парвоз.

Ҳофиз қўлида куйлар мунгли навони танбур,
Танбури бирла ҳофиз қайғуга бўлди ҳамроз.

Машшоқи бирла хотам, танти бўлурки танбур,
Гоҳи «Ажам», «Муножот», гоҳ чалганида «Шаҳноз».

Яҳёки жон қулоғин берганда нолаларга,
Қам бўлма дерки ҳассос танбурчи ҳофиз устоз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОҲУ

Гўзаллик рамзидир оҳу тузар хилватда ошённи,
Гоҳи тоғ устида яйрар, кўриб ёр бирла осмонни.

Чиройли кўзларида мангу даҳшат борки сайёд домидан,
Бу даҳшат бўлмаганда у безарди боғ бўстонни.

Шу боисдан бекингай у шамоллар бағрига доим,
Қузатгай бетиним жоду кўзи бирланки ҳар ённи.

Ёвуз даррандалардан бемалол баъзан қутулгай у,
Валекин тушса инсон домига топмайди имконни.

Гоҳи тиғ остига бошин қўйиб йиғлайди тақдир, деб,
Гоҳи бўйнида занжир — ҳалқуми узра тутар жонни.

Ёмонлик қилдиму одам элига ҳеч қачон оҳу!
Недир айбики одам солгуси қийноққа бу жонни?

Гўзалликни тараннум этса не хуш эрдику олам,
Нечун олам яратгай баъзида қотил инсонни?

Гоҳи шафқат, дея, оҳуни солгайлар қафас ичра
Ки, гўё унга раҳм айлаб, тутарлар дўст ҳайвонни.

Вале оҳу кўрур афзал қафасдан ҳам ўшал тиғни
На килсин оҳу бу янглиғ қафасдек кўшку-айвонни!

Гўзал оҳу чаманлар баҳридан кечгуси банд ичра,
Кўриб афзал бу оламда ўшал чўлу-биёбонни.

5. IV. 1986 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧИРОЙЛИ

Ўзбек гўзалин икки ҳилол ёси чиройли,
Одобу ҳаё соҳиби — барноси чиройли.

Қомат ва латофатда гўзал оҳуга монанд,
Одобу ҳаё соҳиби — барноси чиройли.

Гулгун юзида ёнди қуёш, бахти — қуёши,
Олтин қўли гул, пахтаси — тиллоси чиройли.

Ишқ ичра садоқатли, вафо бобида танҳо,
Қалбида ажиб истаги — дунёси чиройли.

Халқим қизи бўл — эл меҳригиёси.
Халқим каби хушқомату сиймоси чиройли.

Яҳё куйига бергучи илҳому тароват —
Ширинсухану байт ила имлоси чиройли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГЎЗАЛ

Ҳар баҳорда нозаниндай майсадан ҳар ён гўзал,
Майсалар ёнида кечган лаҳза бирла он гўзал.

Лоланинг камёб жамоли бирла саҳро қип-қизил,
Ям-яшил қир бағрида зумрад фалак осмон гўзал.

Ғунчани айлаб паришон, жонга роҳат келтириб,
Ҳам наво чалган шамоллар қўйнида жонон гўзал

Майсалар бўйнида дурдек абри борон титрагай,
Тонг билан ёққан диловар абрдан борон гўзал.

Дилрабо шаҳлоларига тушса кўкдан томчилар,
Заррасила ўтда ёнган тимқора мужгон гўзал.

Мен каби шайдосининг қошида турганда санам,
Шу баҳорнинг кўркидан у волаю ҳайрон гўзал.

Бесабаб хушдир умрларнинг баҳори доимо,
Дейди Яҳё: бунда шодлик қайғу ҳам ҳижрон гўзал.

25. IV. 1986 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГУЛ ВАСЛИ

Дилрабо янглиғ чиройли, ҳам ажиб дилдор гул,
Бор севишганларга доим мунтазир хуммор гул.

Тоғу-қирлар саҳнига оро берибон ҳар баҳор,
Чашмаларнинг теграсида нозаниндай бор гул.

Бўйи гар етса димоққа жонлар роҳатланиб,
Бўйнга мафтун бўлиб очгай чиройли ёр гул.

Одам авлодин кутибон, шод қилгумми, дея,
Ҳар чаманда юз очиб, маюс боқар тайёр гул.

Гулни севган ҳар кишининг меҳнатин ардоқлабон,
Кўрсатур у ўз жамолин камтарин бехор гул.

Бе́айёв санчир тиконини ғаразли қўлгаким,
Шоҳида посбон бўлибон тургуси хушёр гул.

Ғунчасин ардоқлабон, бағрида пинҳон сақлабон
Атри бўйин анқитур тонг чоғи кўп такрор гул.

Ғунча лаб очмоғини булбул саҳарлар зор кутар,
Ғунчасин айлаб ҳимоя саф бўлур ҳам хор гул.

Лек булбул ноласидан маст бўлибон чайқалиб,
Айлагай бўстонда булбул ноласин такрор гул.

Солса қўл гул бўйнига ҳулқи зимистондай киши,
Беркиниб япроғ аро юз очмагай зинҳор гул.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лек улар узганда маюс бош қўйиб тиғ остида,
Норасолар дастида жон бергуси ночор гул.

Ташлагайлар сўнгра гулни но керак бир нарсадай,
Ҳам оёғлар остида хор, бағри қон — афгор гул

Етгуси пажмурда, тупроғ узра хўб армон билан,
Ғунчасин бағрида асраб йиғлабон хўб зор гул.

Қисматиндан нолаю фарёд этарга ҳоли йўқ,
Эътиборин кетганига бўлмайин иқрор гул.

Чунки у ишқ рамзи эрди, барча зор эрди анга,
Баргидан ҳам мухлиси, ошиқлари бисёр гул.

Нозланиб бўстонда боққан эрди одам аҳлига,
Кўз тутиб ошиқларига тонг саҳар бедор гул.

Ғунчаси бевақт узилса кўз ёши селобадир,
Бош қўйиб япроқда шабнам мисли йиғлар зор гул.

Етмагай гул қадрига, ё қийматин қилмай писанд,
Ишқи йўқлар, тош бағирлар дейдилар, беор гул.

Ҳеч қачон беор эмас гул, у хоксору, лек гўзал,
Шул сабабли музюраклардин мудом безор гул.

Гулни инсон завқидир, деб асрамоқ — олий тилак
У ҳаёт янглиғки нозиқ, бўлмасин ҳеч хор гул.

Бўлмасин ҳаргиз оёқ ости чаман, гулзорлар,
Ғунчасин ҳам сиз авайланг, топмасин озор гул.

Бор бўлсин то жаҳон бор, дейди Яҳё, гул абад,
Менга ўхшаб бемаҳалда сўлмасин зинҳор гул.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАҲОР НАШЪАСИ

Саҳарлаб турфа ранг қушлар баҳор созини чалдилар,
Баҳор келди, юракдан қанча андуҳлар йўқолдилар.

Бари инсон дилида сабзадек нозик севинч пайдо,
Зимистон ташвишию, изғиринлар ортда қолдилар.

Келиб наврўзи олам дилраболарнинг юзи гулгун,
Йигитлар лола бағрига кўнгил доғини солдилар.

Гўзаллар қошида не ғунча япроқ остида пинҳон,
Улар балки атиргулнинг тиконидан уёлдилар.

Неча нозик адо қўллар севишганларга ноз айлаб,
Кулиб гул мисоли гулдасталарни қўлга олдилар.

Бахиллар куйдилар ҳар гал севишганлар қувончидан,
Валек гул базмидан маҳрум бўлиб армонда қолдилар.

Ҳазин Яҳё дилига дилрабо наврўзи оламнинг
Майин илҳомлари тинмай бу тонг ғулғула солдилар.

15. IV. 1986 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

СУБҲИДАМ

Севгилим рухсоридай гулгун, дилором субҳидам,
Бергувчи завқу сафо, кўнгилга ором субҳидам.

Субҳидам янглиғ зилол бахтим, ҳаётим беғубор,
Кел, куйим, созимни ўзга айлагил ром субҳидам.

Турфа гуллар бошида булбул ғазалхонинг бўлиб,
Офтобим жилваси ҳам сенга инъом субҳидам.

Интизор дамлар гувоҳи, ёр васлидан нишон,
Севги куйидан мунаввар нозли айём субҳидам.

Мангу ёшлик бирла ижоду муҳаббат мафтуни
Айлабон Яҳёни бердинг унга илҳом субҳидам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АТРИНГНИ СОЧ

Эй атиргул, мунча маъсум ёр дилидай доғсан,
Тун қарасидай хазину то саҳар уйғоқсан.

Тонг билан сен жилвагар, бўйинг мунаввар атри-ла,
Дилдаги орзу каби қат-қат қизил япроқсан.

Дилраболар юзидай алвон гаҳи ё пуштиранг,
Ё қизил, ё нимқизил, гоҳи қувончдай оқсан.

Тоза қўлда барқ урурсан, яшнаган гулзор каби,
Норасолар дастида пажмурда, сўнг тупроқсан.

Шу ёруғ олам чиройи сен, гулим, атрингни соч,
Сенга зор Яҳё эса, куйларга сен муштоқсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУЙЛАР ДУТОР

Гоҳи шоду, гоҳи қайғу боридан куйлар дутор,
Ҳаста дилнинг қатма-қат асроридан сўйлар дутор.

Турфа куйлар, турфа оҳанг мисли инсон қисмати,
Гоҳ муҳаббат, гоҳ ғаним озоридан сўйлар дутор.

Жон ато этгайки машшоқ дастида айлаб наво,
Мадҳ этиб инсон дили абгоридан куйлар дутор.

Куйларига жон қулоғин берсангиз беихтиёр,
Назм аро халқим ширин гуфторидан сўйлар дутор.

Нолакор мозий садоси пардалар ичра ниҳон,
Ё «Муножот» бирла дунё зоридан куйлар дутор.

Икки тор икки юрак бандига пайвандким, чунон,
Ошиқ аҳлига санам дийдоридан сўйлар дутор.

Тингласам Яҳё дутори дилнавоз овозини,
Ўзбекистон бахтининг гулёридан куйлар дутор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АРЗИРМУ

Йигит, бил, дилбаринг орзую армонингга арзирму,
Садоқат айласанг, у аҳду паймонингга арзирму.

Вафо қилмоқ эсанг, бўлмай бўлак дил маҳлиёси ҳеч,
Азиз ёринг вафою, тоза виждонингга арзирму.

Муҳаббат дурлари ноёб, эмас ҳар ваъда ҳам севги,
Унинг меҳри дилинг қони, озори жонингга арзирму.

Санамга йўғу борин бергали тайёр экан қалбинг,
Унинг қадри дилингда бор имконингга арзирму.

Сенинг ёдингла ўтмас экан ёр онлари, баски,
Бу дамлар бир нафас аччиқ пушаймонингга арзирму.

Тикар бўлсанг нигоринг йўлига, Яҳё, ҳаётингни,
Инонки ёр меҳри бу ширин жонингга арзирму.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЎЛУРМУ

Баҳорда тошмаган дарё бўлурму,
Ўшал Қайс бўлмаса Лайло бўлурму?

Муҳаббат бўлмаганда дилда ҳаргиз
Ажойиб туйғулар ҳам жо бўлурму?

Гўзалнинг севгисию, амри бўлмай
Унинг истаклари муждо бўлурму?

Ҳаёт дунёсида меҳнат ва заҳмат
Чекилмай бахт ўзи лайдо бўлурму?

Буларсиз ишқ баҳори очмагай юз
Ки, меҳнат бўлмаса, Яҳё бўлурму?

16. II. 1986 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИНСОН МАДҲИЯСИ

Азалдан дунёга келиб баробар,
Ҳаётга баробар қўйиб пойдевор,
Тенгликда яшаган ибтидо инсон
Тенгсизлик борига қилурму бовар?

Бирлашиб ёприлиб улкан даррандан
Ҳайвонни ов қилган аждодлар бари,
Бирга баҳам кўриб, ўлжани еб хом,
Ғорларда кун кўриб унда аксари,

Билганму эрдилар недир ҳақсизлик,
Руҳий қийноқларнинг мудҳиш азобин?
Ҳақ сўзли инсоннинг золимга қараб
Ўлимдан қўрқмайин берган жавобин?!

Биринчи чақани қилиб ихтиро
Мудҳиш оқибатин билганму эди?
Пулнинг қудратию, сеҳри кучига
Онг ила саждалар қилганму эди?

Ўйлаган эрдиму ўшанда одам
Одамдан пулдорлар бино бўлур, деб,
Одамни пулловчи замона келиб
Одамдан қулдорлар пайдо бўлур, деб?

Хаёл қилганмиди бобокалонлар
Мулкдорлар дунёси бўлур деб бино?!
Халқлар қисматини қаро қилувчи
Ҳақсизлик исмли мудҳиш аждаҳо?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қирғин қуролининг коинот учун
Бугун бўлмоғини энг хавфли қазо.
Билганда ибтидо ўшал аждодлар
Қилмасди оловни балким ихтиро.

Аждодлар, аждодлар, соддадил инсон,
Космик асрга ҳам етиб келган зот,
Нечоғлик ўзгарди бу кўҳна жаҳон
Уни ҳам шу инсон қилмишдир ижод.

Инсон заковати қошида ҳатто
Бепоён қудрат-ла қуёш ожиздир.
Ер эмас измида, ҳаттоки фазо,
Фақат кучли эрур одамдан қазо.

Афсуски, ҳеч кимса била олмайди
Қачон кўз юммоғин ёруғ оламдан.
Курашур, талашур ҳаёт жангида
Ўч олиб одамзот ўзи одамдан.

Ҳеч кимса ўйламас умри жовиднинг
Инсонга омонат берилмоғини.
Келтирмас ҳеч кимса кўзин ўнгига
Нечоғлик кечмоғин сўнгги чоғини.

Оқибат учқуни милтиллаб қолди,
Асрайлик оқибат сўнмасин тамом.
То ҳаёт бор экан, меҳру оқибат
Инсонлар умрида айласин давом.

Меҳру оқибатнинг ҳаётбахш сеҳри
Фақат ғазалларга бермасдан илҳом,
Қайтадан тикласин алп қоматини,
Яшасин, яшасин ҳаётдай мудом.

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕЧУН БУЛБУЛНИ ТУТАРЛАР ҚАФАСДА?..

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инсон ҳамиша булбул хонишига ҳавасда,
Излар чаманни аммо булбул хорую хасда.
Нечун ҳаётда одам севса унинг навосин,
Шафқатни тарк этибон тутар уни қафасда?!

8. II 1984 йил

Зўравон гар қилса ишора
Бегуноҳда қолгайму чора?
Зўравонга зўр зарба етса,
Бир зумда у бўлур «бечора».

1980 йил

Не маломат тушса инсон бошига,
У синов бўлгай киши бардошига.
Ақлу идрокига мезондир чидам,
Сабри қалқондир маломат тошига.

16. II. 1984 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўйлама ғийбатниким, бу — тарки шодлик менга,
Хотирим бўлгач паришон не керак шодлик менга.
Барча ғийбат сўнггида берган тасалли не керак,
Учса илҳомим чироғи билки бедодлик менга.

11. II. 1984 йил.

Емоннинг айбин очсангиз қилур туҳмат ўзингизга,
Зиён етказгуси зимдан ўғил бирлан қизингизга.
Уни фош айлангиз, чунки ёмон шафқатни билмайди,
Тикан топса уни санчгусидир икки кўзингизга.

21. II. 1984 йил

На маҳорат, хайр иш йўқ баъзилар имконида,
Гердайиб тургай ва лекин яхшиларнинг ёнида.
Узгалар номида гоҳи яхши сўз айтмоқ булиб
Лоф урса, чиқди иғво, бордир иғво қонида.

10. VIII. 1978 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нокасга берсангиз нон, аччиғ дегай еганда,
Иш деб билур шуни ҳам, юз бор этур писанда.
Ҳар кўргани қаро дер, сўзлар баланд димоғда,
Минг оғринур мабода, «раҳмат» сўзин деганда

Кимки ғамхўр бўлса унга, ўхшатур бегонага.
Кўзларига ёш олибон, арз этур девонага.
Дўст сўзин билмай насиҳат, ҳам улардан ор этур,
Кимки ғамхўр бўлса унга, ўхшатур бегонага.

Баъзилар май ичса ҳижрон шомида,
Не каромат кўргуси май жомида.
Севгининг ҳар они-ку гулгун баҳор,
Ишқ чаман очгай баҳор айёмида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Учмангиз аччиқ шаробнинг бир дақиқа баҳрига,
Банд бўлгайсиз кўримсиз бир илоннинг заҳрига.
Гар жаҳаннам йўқ эса, лекин шароб дўзах бўлиб,
Судрагай сизларни албат ул жаҳаннам қаърига.

11. IX. 1982 йил

Юз очар эрдиму ғунча то магар гул бўлмаса,
Токи боғбон гул хаёли бирла машғул бўлмаса.
Ғунча ҳам, гул ҳам муҳаббат мисли нозик беназир,
Жилвагар бўлмас чаманким гарчи булбул бўлмаса.

21. II. 84 йил.

На хушдирким, висол айёмида ёрим салом этса,
Чаман бунёд этиб ул ён, гулим анда хиром этса.
Латофат бирла дилдорим сўраб аҳволу - зоримни,
Бўлиб ғамхўру, ҳамрози менга минг эҳтиром этса.

29. I. 84 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Узун тунлар ўлтирсам чиройинг шамъи қошида,
Висол шаҳнозасин ёзсам жамолингни қуёшида.
Шудир орзуларим дилдор, не тонгки бу орзуда,
Дегум ўтсин бари умрим вафодор ёр қошида.

7. II. 1984 йил

Дегайларким чаён заҳрин ёмон деб,
Табиблар чора топмоғи гумон деб
Вале, иғво азобин чекса ҳар ким,
Уни айтур заҳардин ҳам ёмон деб.

Қамситмангиз бировни ҳаргиз асабни бузманг,
Писанда-ю, туҳмат ила сиз хуфя фитна тузманг.
Инсонки тоғ мисоли, бардоши гарчи маҳкам,
Иғво азоби бирлан, жон риштасини узманг.

17. II. 1980 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шафқатинг тарк айлама, оби ҳаётдир шафқатинг
Ноз ила меҳру вафолардин биному суратинг.
Оразинг барқ урса дил ойнаси синсин, гулим,
Нозларинг тарк айлама менга қувонч ҳолу-хатинг.

Ёр ила ўтган дақиқа юз баҳор гаштига тенг,
Шунда истаклар қатори беқиёс оламча кенг.
Бормикан ёр васлидин ҳеч узра шодлик ёр учун,
Икки кўнгил бирлигини сиз муҳаббат рамзи денг.

Доимо оламга мағрур, гердайиб боққай хўроз,
Ҳам саҳарда бонг урибон мард қанот қоққай хўроз.
Гердайишидан пушаймондир пичоғнинг остида,
Қатлидан олдин жаҳонга хоксор боққай хўроз.

21. II. 1984 йил

www.ziyouzadam.kutubxonasi

Май тотинг гоҳи, ва лекин майга одат қилмангиз,
Тортмасин ҳаргиз шароб сизларни мудхиш домига.
Жодугар ушбу шароб нозига тоқат қилмангиз,
Гул ҳаётингизни секин ютмасин ўз комига.

8. XII. 1980 йил

Меҳрибон волиданинг хамхораси, сирдоши қиз,
Навқирон айёмининг такрораси — наққоши қиз.
Ҳам падарга беқиёс туйғусини эҳсон этиб,
Лозим эрса унга ҳамдард, беназир сафдоши қиз.

Ҳаёт гирдобига тушгач, киши ўз қадрига етгай,
Ўшал онда ўзин ғофиллигин ҳам эътироф этгай.
Унутгайдир омон чиқса яна гирдоб азобини,
Ҳаётнинг кўп давонидан қўйиб нарвон ўтиб кетгай.

12. II. 1984 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар она фарзанд, дея, жонин нисор қилгай,
Гарчи кўзига фарзанд дунёни тор қилгай.
Ушбу улуғ азиз зот, фарзанди ташвиши-ла
Дил қони бирла дарё йўқ эрса, бор қилгай.

Сўйласанг душманга ишқинг, катта «сир» топдим, дегай,
Тоза ҳисларни кўрибон, қанча кир топдим, дегай.
Етмаган орзусига етган каби шод бўлгуси,
Номингиз бадном қилишликни ахир топдим, дегай.

Маст киши доим ҳаётда кечани кундуз, дегай,
Билки, ҳар доим ишию, қилмишини «юз», дегай.
Ким насиҳат қилса, шу аснода унга ўшқириб,
Ўзни оппоқ, лек насиҳат соҳибин беюз, дегай.

21. II. 1984 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаббат узра гоҳида оловли бир гумон бўлгай,
Гумон рашку, алам бирла қўшилса беомон бўлгай.
Садоқат кўркига ёр ишқ аро иймон билан боқса
Гумонлар бир ғубордай лаҳзада дарҳол тамом бўлгай.

1980 йил

Дарди йўқни изламанг, ҳар кимда бор ўз ташвиши,
Барчага савдо солишдир бу кўҳна дунёнинг иши.
Дарди йўқ одам топилса, у билинг беҳуш экан,
Чунки дунё ташвишидан ҳоли эрмас ҳеч киши.

21. II. 1984 йил

Умрида ҳардам киши шод, гоҳи ғамнок бўлгуси,
Умрининг сўнгида бор қайғусидан пок бўлгуси.
Бош қўйибон мангу хобига, кетур ер бағрига,
Шул азиз тупроқда одам қайтадан хок бўлгуси.

21. II. 1984 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бахт агар бир бор келса, кетмоғин кутмас киши,
Эртанинг не бўлмоғин билмай алам ютмас киши.
Хоксорликни унутгай янги омадлар кутиб,
Шунда ғамгин кимсаларнинг ёнидан ўтмас киши.

7. IX. 1979 йил

Қўрқоқ эмас дейдилар андишанинг отини,
Андишадан холи деб, билманг инсон зотини.
Ушбу олий фазилат бор эканки оламда
Қўркам этур ҳамиша одамлар ҳаётини.

1980 йил.

Ҳасадгўйлар қаро қилур йил ойингизни,
Май ичди дер тонгда ичган кўк чойингизни.
Тушда ухлаб ётсангиз ҳам гуноҳ дер уни,
Ҳам орзиқиб пойлагуси хатойингизни.

18. II. 1978 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ялинманг, қилмангиз ҳасрат, разил шафқатни билмайди,
Агарчи мансаби бўлса жаҳонни кўзга илмайди.
Қасос олмоққа қодир, мансабила масту девона,
Шу айёмда садоқат, ё диёнат унда бўлмайди.

15. II. 1984 йил

Баъзилар сиздан саҳоватларга одат қилгуси,
Кўрмайин қолса саҳоват, у маломат қилгуси.
Эслатиб сизга хатоларни улардан сир тузиб,
Сизни бадном айламоққа шум каромат қилгуси.

13. II. 1984 йил

Ёр ҳижрон гулханидан ўт, деди,
Айрилиқ жисмимда ёнган ўт, деди.
Таъналар гирдобидан ўтсам дадил,
Сарвинозим сен оловсан — ўт, деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Булбул гулга шайдо эрса, гул шохига қўнади,
Хазон бўлгач гул япроғи булбул сози сўнади.
Сайёд магар шафқат этмай олса уни домига,
Қафас ичра ошён қуриб тақдирига қўнади.

Мусичага дон керак,
Инсон учун нон керак.
Бари тирик жон учун
Дунё деган кон керак.

23. II. 1984 йил

Бир гўзалга севгимас, дур бирла гавҳардан керак,
Гавҳари йўқ эрса ёрнинг давлату зардан керак.
Чин муҳаббат зори бўлган дилраболар ишқига
Ёр меҳри бирла хушбўй тоза гуллардан керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хаста кўнглимдай хазин, ошуфта, эй алвон гул,
Не сабабдан сен ҳижолат барг аро пинҳон гул.
Бош эгиб феруза япроқ ҳуснига қилсам назар,
Бу жигардан унга оққан неча томчи қон гул.

21. II. 1984 йил

Бошга савдо тушса ўз тақдирин эслар одам,
Шод ўтган дамларин тасвирин эслар одам.
Мушкулин осон этарда унга ҳамсуҳбат кўнгил,
Шунда ғамни тарк этиш тадбирин эслар одам.

4. XII. 1979 йил

Изма-из юргай, кўринмай менга шафқатсиз ғаним.
Мақсади ер бирла яксон айламоқдир борлиғим,
Неча йилки бетиним иғво юритгай, нобакор,
Тўхтатар иғвосини, ер бағрида ётганда жим.

12. XII. 1984 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Висол онида не хушким, жамолинг шамъини ёқдим,
Жамолингга неча орзу, неча армон ила боқдим.
Кўрибон оразинг афсонасин жаннат қиёс этдим,
Жунунлик айлабон лаҳза хаёл дарёсида оқдим.

7. II. 1984 йил

Бургут қаноти синса, бағрида ўт сўнаркан,
Етолмайин қояга, тош устига қўнаркан.
Синган қанотин судраб, қўрқитса ҳам рақибин,
Сўнг тошга бош қўйибон тақдирига кўнаркан.

13. II. 1984 йил

Ҳамиша хуш фазилатни жудо қилманг ўзингиздан,
Табассум офтобин ҳам йироқ тутманг юзингиздан.
Асаб отли чаманни қайғу заҳри бирла куйдирманг,
Саломатлик паризодин дариғ тутманг кўзингиздан.

22. II. 1984 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёмонлик кўрмаган ҳеч ким замондан,
Жафо чеккай ва лекин кўп ёмондан.
Ёмонликни замон фош айлагунча,
Бировлар ҳоли қолмасдир гумондан.

22. II. 1984 йил

Дилга оғу тошгуси сўз заҳридан,
Оғу ҳам пайдому инсон қаҳридан?
Сен самимий сўзга одат қил мудом,
Кеч араз ҳам шум жаҳолат баҳридан.

Баъзилар тонгай, сабабсиз, ақробою хешдан,
Чун уларнинг мансаби бор, ақробо даркор эмас.
Ким ўгиргай юзни аксар бенаво дарвешдан,
Бу қабиҳнинг кирдикорин англамоқ душвор эмас.

15. II. 1984 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баъзи мансабдор киши бегона кўплар ҳолидан,
Англамас сўз очсангиз афтоданинг аҳволидан.
Лаҳза оромини афзал кўргуси у баҳри тош
Ногаҳон мушкулда қолган кимсанинг иқболидан.

4. XII. 1979 йил

Икки дўстни аксари душман ато айлар гумон,
Тўғри, соф фикру хаёлингизни хато айлар гумон.
Қай кўнгилдан олса жой оғу бўлиб ўртаб уни,
Севгининг орому завқидан жудо айлар гумон.

29. III. 1979 йил

Кимки менга хуш кўринган, ҳам ширин сўзлар экан,
«Сенсираш» даркор бўлганликда ҳам «сизлар» экан,
Мен уларни барини ҳам дўст бўлур, деб ўйласам,
Бариси ҳам дилда мендан манфаат кўзлар экан.

20. X. 1978 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юлдузларнинг асрорини сўрай юлдуз ўзидан,
Гар юлдузлар боқар менга дилрабонинг кўзидан.
Фалак ўзи билурмикин юлдузларнинг саноғин,
Кўплар учун тақдир бино бўлмиш юлдуз сўзидан.

Ғазаллар жилвасин олгум санамнинг ҳатти ҳолидан
Қи, ҳар байтида гулгунлик гўзалнинг чеҳра олидан.
Нигорим бергуси ташбеҳ ажойиб ораста сўз бирлан,
Куйим авжидаги парвоз гўзалнинг қуш ҳилолидан.

Кулги ҳам, кўз ёши ҳам келгай нафис туйғу билан,
Доимо ўлгай асаблар ғам билан, қайғу билан.
Шул сабабли бўлмангиз ғарқ қайғулар гирдобига,
Ором олсин жонингиз оташин кулгу билан.

25. II. 1984 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кимки манманлик қилур, юрт ҳам улардан норизо,
Чунки манманлик яратгайдир мудом жангу-низо.
Камтарин инсонга халқим минг тасанно айтадир,
Барча манманликка элнинг лаънати бўлгай жазо.

15. II 1984 йил

Икки жоннинг пардасидан келтириб розу садо,
Арзи дил қилгайки танбур икки дил достонидан.
Неча ошиқларни созу ноладин айлаб адо,
Сўнггида завқ келтирур у севгининг бўстонидан.

12. II. 1984 йил

Дилкушо суҳбат учун чойхона кам, майхона кўп,
Шул сабаб кўп ўлтиришда файз кам, афсона кўп.
Дўстларнинг суҳбатида не қилур ғийбат, ғараз,
Чунки ҳар майхона ичра бетамиз девона кўп.

18. II. 1984 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зар қуёш бу коинотдан бизга оташхонадир,
Нури бирлан ҳар сабо, борлиқ башар уйғонадир.
Кечалар ботса қуёш, офтоб бўлиб ҳар онаким
Бағрида фарзанд учун бир нури олам ёнадир.

27. II. 1984 йил

Ким жабр кўргай бўлак жабрдийдага ҳасрат қилур,
Ушбу суҳбатни ҳаёти узра энг қиймат билур.
Дилга санчилган тиканнинг заҳри гарчи бедаво,
Жабрини тортганда ҳасрат зарра ором келтирур.

13. II. 1984 йил

Бемаҳал келган довул пажмурда тупроқ қолдирур,
Қақшатиб ер сийнасини қанчалар доғ қолдирур.
Шул сабаб хушдир баҳор, инсон чиройин рамзиким,
Ҳар баҳор ўтган билан феруза япроғ қолдирур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Умрнинг тонгидир ёшликки, у бир карра отгайдир,
Қуёши келтириб кундузни, сўнг шомида ботгайдир.
Киши сўнг бир умр қўмсайди ёшлик тонгини, аммо,
Уни топмайди, чун умрин баҳорини йўқотгайдир.

13. II. 1984 йил

Элимда барча ғийбатни азалдан ҳам гуноҳ, дерлар,
Бари ғийбатчини юзсиз ва ёки беибо, дерлар.
Алар гар беибо эрса, нечун гоҳи керак бўлгай,
Нечун бу шиквларни баъзида холис гувоҳ дерлар.

15. VIII. 1982 йил

Кўнгли қаро кишилар ой борлигин гумон дер,
Юлдузли тунни кўргач, осмонни ҳам ёмон дер.
Офтоб жамолидан ҳам излайди доғ ғазабда,
Нурига тоб беролмай, офтобни беомон дер.

16. II. 80 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бари одобсиз ўзин доно билур,
Ҳақ гапирганларни нодон билгуси.
Олиму донога ўзни тенг қилур,
Мақтаниб сўзда фалакдан келгуси.

Ҳақ сўзингизга ҳамиша эътироз қилгай ўжар,
Дўстона бир ҳазилдан ҳам араз қилгай ўжар.
Беғараз панду насиҳатларга йўқдир тоқати,
Ўзни машҳур бир буюк шахс деб фараз қилгай ўжар.

20. II. 1984 йил

Майпараст бор хонадон аҳлини нохуш, дейдилар.
Рост сўз айтганда у афсона, ё туш, дейдилар.
Не гумону, не тажжубларни чорлар ҳар иши,
Уйқусида масту, лек ўнгида беҳуш, дейдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир гўзалнинг ҳусни юзда макрини пинҳон тутар,
Севгиси, аммо тилимда сиздан инъомлар кутар.
Учсангиз ногоҳ чиройи бирла хушгуфторига
Сизни ораста либосли янги аждарҳо ютар.

21. II. 1984 йил

Баҳилнинг қалбида йўқдир диёнат,
Унинг ошнолиги муздай омонат.
Бахилга сўзламанг асрорингиздан,
Топиб пайтин қилур сизга хиёнат.

30. I. 1984 йил

Нокас авлодига сиз берган салом кетгуси ҳайф,
Парча нон, ҳам дўст қилган эҳтиром кетгуси ҳайф.
Сўзламанг ҳаргиз улар бирланки, зое кетгуси,
Барча фикру-лутфингиз, ширин калом кетгуси ҳайф.

18. IX. 1979 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нобакор кетсин десам кўздан йироқ,
Сурати кўз ўнгима қолмиш бироқ.
Шул сабабли нобакорни фош этиб
Суратини ўтга солмоқ яхшироқ.

30. IX. 1979 йил

Очса сўз ғийбатчи сўздан нақди йўқ,
Бундан ўзга одами бадбахти йўқ.
Ким хайрли иш қилур, ғийбатга ҳеч
Истагию хоҳиши ҳам вақти йўқ.

Сизга дўстман, деб бировлар манфаат кутгай, бироқ,
Бошингизга тушса мушкул кетгуси сиздан йироқ,
Шул сабабли ушбу «дўстлар» барисидан биргина
Бетакуллуф, беғараз ошнойи дардкаш яхшироқ

15. II. 1984 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сен хаста бугун, менда эса сабру-сабот йўқ,
Бургут десалар, менда шу он узра қанот йўқ.
Сен гарчи ҳароратда ёниб бўлгунча гулранг,
Жоним куйибон, ёрки бил, менда ҳаёт йўқ.

13. VIII. 1982 йил

Гўзал сўзи — юракдан, юрак сўзи ғазалдир,
Кўнгилдаги тилакдан битилган байт гўзалдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

ОНАЖОН, ҚАЪБАМ ЎЗИНГ

Онажон ____ 5

Волидамга ____ 6

Яна онамга ____ 7

Онаизоримга ____ 8

СИРЛИ ИШҚИМНИ ҚИМ БИЛУР ЁЛҒИЗ НИГОРИМДАН БЎЛАК

Бора - бора ____ 11

Тарона бўлса ____ 12

Бўлмаса ____ 13

Фироқида ____ 14

Зеболик айлар ____ 15

Ёр келганида ____ 16

Кўрмагунча ____ 17

Куйида ____ 18

Баёз ўзга ____ 19

Во ажаб ____ 20

Жозиба ____ 21

Билмай ____ 22

Сенсиз ____ 23

Меҳрингиз ____ 24

Сирли ишқим ____ 25

Барно керак ____ 26

Кўнгил ____ 27

Тонг қушиғи ____ 28

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оразинг 29
Ёргинам, дилдоргинам 30
Жамолинг 31
Сиздан ва биздан 32
Наққошдан 33
Сўрмагин 34
Ёрга 35
Дилкушодир 36
Келибдир 37
Ўтган кечалар 38
Куйлар 39
Муддао 40
Билмадингму 41
Оразингиз 42
Эй, санам 43

ЧОРАСИЗЛИК БАЙТЛАРИ

Зарра учқунда 47
Дилдор қошида 48
Хаёл 49
Завқли айём 50
Мунаввар қил 51
Хабар қилгил 52
Қолмади мажруҳ таним 53
Дилда армон 54
Меҳринг зилоли 55
Ҳижрон букун 56
Ёш йўқ 57

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўлгани йўқ 58
Кут 59
Харидор эт 60

КУЙЛА СОЗИМ ЯХШИЛИКНИ ЖИСМ АРО ЖОН БОРИЧА

Борича 63
Зиё келса 64
Қолгуси 65
Назм завқи 66
Жавобим бор 67
Осони йўқ 68

ЭЙ, ҲАЁТ!

Ғаниматдур 71
Тақдир сабаб 72
Рўшно 73
Кам бўлмагай 74
Парвонаман 75
Эй, умр 76
Буюрмишдир 77
Ҳаёт 78
Дарё эмас 80
Муҳаббат 81

ЎЗБЕК ГЎЗАЛИНИНГ ДУНЕСИ ЧИРОЙЛИ

Регистон 85
Излама 86

www.ziyouz.com kutubxonasi

Атласим ____ 87
Танбур мадҳи ____ 88
Оҳу ____ 89
Чиройли ____ 90
Гўзал ____ 91
Гул васли ____ 92
Баҳор нашъаси ____ 94
Субҳидам ____ 95
Атрингни соч ____ 96
Куйлар дутор ____ 97
Арзирму ____ 98
Бўлурму ____ 99
Инсон мадҳияси ____ 100

НЕЧУН БУЛБУЛНИ ТУТАРЛАР ҚАФАСДА? 105

www.ziyouz.com kutubxonasi

Литературно-художественное издание
«ВОЗГЛАС»

Автор — Хайдар Халикович ЯХЬЯЕВ

на узбекском языке

Мусаввир М. Сомойлов
Тех. муҳаррир С. Собирова
Мусаҳҳиҳ Н. Умарова

Теришга берилди 15. 10. 91. Босишга рухсат этилди. 19. 12. 91. «Литературная» гарнитурада юқори босма усулида босилди. Қоғоз ўлчами 60x84 1/16. Шартли босма тобоқ 6,51. Нашр тобоқ 5,9. Жами 50000 нусхада. Келишилган нархда сотилади. Буюртма № 2815.

Ангрен шаҳар босмахонасида чоп этилди.
Фишман кўчаси, 26.
«НУР» ИИЧБ, 700113 Тошкент. Қатортол. 60.

www.ziyouz.com kutubxonasi